

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

## 2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 23 июль, № 156-157 (8218-8219) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ИЧИМЛИК СУВИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 22 июль куни Сурхондарё, Наманган ва Тошкент вилоятларида ичимлик суви таъминотини яхшилашга қаратилган лойиҳалар тақдимоти билан танишди.**

Ичимлик суви аҳоли саломатлиги, ҳаёт сифатини таъминлашда муҳим манба. Шу боис бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, манзилли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017 — 2022 йилларда 12 триллион сўм эвазига 25 минг 300 километрдан ортиқ тармоқлар, 1 минг 800 дан зиёд сув иншоотлари қурилган ва қайта тикланган. Натижада 6 миллион 500 минг аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сувидан баҳрамандлар бўлган, 4 миллиондан зиёд инсоннинг сув таъминоти яхшиланган. Умуман, бугунги кунда аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 70 фоизни ташкил этмоқда.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида марказлашган ичимлик суви қамровини 87 фоизга етказиш, 155 та туман марказларида оқова сув тизимини янгилаш мақсади белгиланган. Сурхондарё, Наманган ва Тошкент вилоятларида режалаштирилган лойиҳалар шунинг бир қисмидир.

Давлатимиз раҳбари айнан шу ҳудудларга алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. Сабаби Чуст, Поп, Наманган ва Музработда ичимлик суви таъминоти 50 фоиз бўлиб, аҳволи қолган туманларга нисбатан оғир. Мавжуд тармоқлар ҳам эскирган. Сув қаттиқлиги 1,5 баравар ошгани учун ошқозон-ичак ва урология касалликлари кўпайган.

Янгийўл, Ангрен, Чирчиқ, Олмалиқ ва Бекобод шаҳарларида оқова сув қамрови 60 фоизга ҳам бормайди. Бу кўрсаткич Чуст ва Чиноз туманларида 3 фоиз бўлса, Мингбулоқда умуман йўқ. Охирги йилларда ушбу туман ва шаҳарларда кўплаб уй-жойлар қурилиб, аҳоли сони янада ўсган.

Тақдимотда мутасаддилар мазкур учта лойиҳа бўйича ахборот берди.

Бу лойиҳалар Сурхондарёнинг Музработ тумани, Наманганнинг 4 та тумани, Тошкент вилоятининг 7 та шаҳар ва туманида амалга ошириладиди. Улар доирасида 660 километр ичимлик ва оқова сув тармоғи, 4 та сув олиш, 7 та сув тозалаш, 12 та оқова сув станцияси барпо этилади. Жами 1 миллион 200 минг нафар аҳоли эҳтиёжини қамраб олади. Жумладан, 590 минг нафар аҳоли илк бора ичимлик ва оқова сув хизмати билан таъминланиб, 595 минг нафарининг сув шароити яхшиланади.

Лойиҳаларнинг техник-иқтисодий жиҳатлари муҳокама қилинар экан, Президентимиз "улар учун сув манбаи етарлими" дея савол қўйди. Лойиҳалар доирасида камида 30 йилга етарли сув захирасини яратиш зарурлигини таъкидлади.

Қурилиш таннархини арзонлаштириш бўйича тавсиялар берилди. Жумладан, харидларни 80 фоиз маҳаллийлаштириб, 10 фоиз иқтисод қилиш мумкинлиги айтилди.

Яна бир муҳим масала — сарфланган маблағларнинг қайтимини таъминлаш. Чунки кўп жойларда ичимлик суви учун тўлов тушуми тўлиқ эмас. Наманган, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида дебитор қарздорлик 210 миллиард сўмга етган.

Шу боис энергия тежамкор ускуналардан фойдаланиб, сув етказиб бериш харажатларини қисқартириш, йўқотишларни камайтириш вазифаси қўйилди. Барча жараёнларни рақамлаштириш, маҳаллабай ишлаб, тўловни таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 28 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 28 апрелда маъқулланган

### 1-боб. Умумий қоидалар

### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши ичимлик сувини қадоқланган тарзда, товар белгисидан ва хизмат кўрсатиш белгисидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришга ҳамда реализация қилишга нисбатан татбиқ этилмайди.

### 2-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисидаги қонунчилик

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**истеъмолчи** – ичимлик суви таъминоти ташкилоти билан тузилган шартномага мувофиқ ичимлик суви таъминоти ва (ёки) оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлардан фойдаланувчи жисмоний ёки юридик шахс;

**ичимлик суви** – организмнинг ичимлик сувига бўлган талабини, шунингдек санитарияга оид эҳтиёжларни қаноатлантириш учун санитария қоидалари, нормаларига ва гигиена нормативларига, давлат стандартларига мувофиқ тайёрланган, инсон соғлиғи учун хавфсиз бўлган сув;

**ичимлик суви иншооти** – ичимлик суви таъминоти ташкилотининг тасарруфида бўлган, сув объектидан сув олиш ва уни ичимлик суви сифатида тайёрлаш учун технологияларни ўз ичига олган иншоот;

**ичимлик суви таъминоти** – ичимлик сувини ичимлик суви таъминоти тармоқлари орқали ва (ёки) транспортда истеъмолчиларга етказиб бериш;

**ичимлик суви таъминоти ташкилоти** – фаолиятининг асосий тури истеъмолчиларга ичимлик суви таъминоти ва (ёки) оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатишдан иборат бўлган ҳамда махсус ваколатли давлат органи томонидан ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг реестрига киритилган юридик шахс;

**ишлаб чиқариш оқова сувлари** – товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ҳосил бўладиган оқова сувлар;

**коммунал-экологик норматив** – ишлаб чиқариш оқова сувларини оқизиб юборишнинг истеъмолчилар учун йўл қўйиладиган энг юқори кўрсаткичларини тартибга солувчи ҳужжат;

**локал тозалаш иншооти** – оқова сувларни оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига оқизиб юборишдан олдин дастлабки зарарсизлантириш ва тозалаш учун мўлжалланган иншоот;

**маиший оқова сувлар** – инсоннинг ҳаёт фаолияти жараёнида ҳосил бўладиган оқова сувлар;

**оқова сувлар** – сувни истеъмол қилиш ва (ёки) ундан фойдаланиш натижасида ҳосил бўладиган ҳамда оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқлари орқали оқизиб юбориладиган сув;

**оқова сувларни тозалаш иншооти** – ичимлик суви таъминоти ташкилотининг тасарруфида бўлган, оқова сувларни қабул қилиш ва уларни белгиланган талабларга мувофиқ зарарсизлантирган тарзда сув объектларига оқизиб юбориш учун мўлжалланган иншоот;

**оқова сувларни чиқариб юбориш** – оқова сувларни ичимлик суви таъминоти ташкилотининг тасарруфида бўлган оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига қабул қилиш ва уларни оқова сувларни тозалаш иншоотларига чиқариб юбориш;

**техник шарт** – жисмоний ва юридик шахсларни ичимлик суви таъминоти ҳамда (ёки) оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига улаш учун улар томонидан ижро этилиши лозим бўлган тадбирлар рўйхатини ўз ичига олган ҳужжат.

**(Давоми 2, 3-бетларда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАСБ-ҲУНАР ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, уларнинг **тадбиркорлик фаоллигини ошириш**, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, **тадбиркор аёлларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ролини янада ошириш**, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги "Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–87-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш дастурларида иштирок этувчи нодавлат таълим ташкилотларининг электрон реестрига киритилган нодавлат таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда — нодавлат таълим ташкилотлари), профессионал таълим муассасалари ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг (кейинги ўринларда — Олий мактаб) касб-ҳунарга ўргатувчи ўқув курсларига йўналтирилган ёшлар ва хотин-қизлар учун Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан уч томонлама шартнома асосида ўқув курслари қийматининг **70 фоизи**, бироқ 1 миллион сўмдан ошмаган қисми компенсация қилиб берилади;

уч томонлама шартнома фуқаро, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бошқармалари ва мазкур бандда кўрсатилган таълим ташкилотлари ўртасида маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчилари (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчилари) тавсиясига кўра тузилади;

"Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" ва "Темир дафтар"га киритилган ёшлар ва хотин-қизларни Олий мактаб томонидан ўқитиш ишлари **тўлиқ бепул** амалга оширилади;

**(Давоми 4-бетда).**

«Халқ сўзи» учун махсус

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЖАҲОН МИҚЁСИДА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

*Ўзбекистон раҳбариятининг фаол ташқи ва ички сиёсати, мамлакатимизда рўй бераётган жадал ўзгаришлар хорижда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда.*

Эришилаётган салмоқли ютуқлар, бой ички ва халқаро кун тартиби мамлакатимиз бугун тараққиётнинг муҳим, бурилиш босқичида эканидан, ўз олдига қўйган мақсадлар йўлида тубдан ўзгариб бораётгани ва халқаро майдонда юзага келаётган глобал муаммоларни муваффақиятли енгиб ўтаётганидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбарияти томонидан кейинги йилларда иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли сиёсат мамлакатимиз мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш ва Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга хизмат қилмоқда.

Янги Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида тубдан янги иқтисодий сиёсат олиб борилмоқда. Иқтисодиёт, таълим, фан-техника, ижтимоий ва гуманитар соҳаларда янги ютуқларга эришиш, юксалишнинг янги имкониятларини топишга қаратилган изчил ташқи иқтисодий стратегия амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, сўз ва оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароит яратиш, кучли ижтимоий йўналтирилган сиёсат олиб бориш борасидаги натижалар, замонамизнинг долзарб масалалари бўйича халқаро ташаббуслар жаҳон миқёсида қўллаб-қувватланмоқда.

4

Мушоҳада






**Тугаб бораётган ҳафтада давлатимиз раҳбари иштирокида бўлиб ўтган воқеалар мисолидаёқ янги Ўзбекистондаги ўзгаришларнинг суръати ва кўламини тасаввур қилиш мумкин. Жадаллик мамлакатимиз ичкарисидаги янгиликларда ҳам, ташқи сиёсатда ҳам яққол сезилади: биринчи ҳолатда бу — энг долзарб масалалар бўйича ўтказилган мажлис ва учрашувлар ҳамда ватандошларимизнинг мурожаатлари ва кундалик муаммоларини таҳлил қилиш бўлса, иккинчиси — хорижий делегацияларни кутиб олиш, қабул қилиш, музокаралар ўтказиб, келишувларга эришиш билан боғлиқ. Шундай воқеаларнинг "чўққиси" эса Марказий Осиё давлатларининг интеграцияси билан боғлиқ мавзунинг давом эттирилиши бўлди.**

8

## МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТ ЧИНАКАМ ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИГА АЙЛАНМОҚДА

*Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасига изчиллик билан жорий этилаётган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида асосий эътибор, **бир томондан**, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир қонунлар, кодекслар, концепция ва дастурлар қабул қилинишига қаратилган.*

### Ислоҳот самаралари

**Иккинчи томондан**, унда қонун устуворлигини таъминлаш, конституциявий ислоҳотни ҳаётга изчил татбиқ этиш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, маънавиятни ривожлантириш, шунингдек, глобал муаммоларга Ўзбекистоннинг муносабати, хавфсизлик ва ташқи сиёсат борасидаги муҳим вазифалар қамраб олинган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси" китоби ва "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони асосида қарийб 90 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши назарда тутилган. Хусусан, 17 та концепция, 8 та дастур, 15 та стратегия, 12 та кодекс ҳамда 36 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари бошлаб юборилган.

Ушбу ҳужжатлар миқдорининг Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги мамлакатимизни кейинги беш йилда ривожлантиришнинг 7 та устувор йўналиши бўйича тақсимланган ҳолати жорий демократик ислоҳотлар кўлами ва миқёси билан боғлиқ асл воқеликка янада аниқлик киритади, деб ўйлаймиз.

4

## ИККИ МАМЛАКАТ ПАРЛАМЕНТЛАРИ АЛОҚАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА КЕНГ УРҒУ БЕРИЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев бошчилигидаги делегация Корея Республикасига ташриф доирасида қатор муҳим тадбир ва учрашувларда иштирок этди. Уларда икки мамлакат парламентлари алоқаларини янада ривожлантириш масалаларига кенг урғу берилди.*

### Мулоқот

### Сиёсий мулоқот фаоллашиб бораётгани қайд этилди

Делегация Жанубий Корея Миллий ассамблеяси "Жанубий Корея — Ўзбекистон" парламент дўстлик ассоциацияси раиси Пак Кванг Он билан учрашди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари ҳар томонлама ривожланаётгани, турли даражаларда, жумладан, парламентлараро ҳамкорлик йўналишида самарали сиёсий мулоқот ва алоқалар фаоллашиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларини мустаҳкамлашда парламентлараро дўстлик гуруҳлари муҳим ўрин тутади. Давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, фуқаролик жамияти, гендер масалалари, таълим ва ҳудудларни ривожлантиришга доир қонун ижодкорлиги масалаларида тажриба алмашишда мазкур гуруҳларнинг ўрни салмоқлидир.

5

## «АЁЛЛАР ДАФТАРИ»

### Янги Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар муаммоларининг ўзига хос ечими

### Ижтимоий ҳимоя

*Бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш мақсадида жорий этилган "аёллар дафтари" ҳақида гап кетганда, академик шоир Ғафур Ғуломнинг "Фурсат ғаниматдир шоҳ сатрлар-ла, безамоқ чоғидир умр дафтарин" деган қуйма сатрлари хаёлимиздан ўтади. Негаки, "аёллар дафтари" янги ҳаёт сари дадил қадам ташлашга чоғланган, ўзлигини англаб етган хотин-қизларга ўз умр дафтарини безамоқ учун улкан имконият ва имтиёз ҳисобланади.*

*Бинобарин, умр дафтарининг ҳар сатрига "бахт" сўзини битишни истаган аёл борки, ўз кучига, ўз иқтидорига суянади. Давлатимиз томонидан жорий этилган бу ижтимоий ҳимоянинг асосий вазифаси эса ана шу куч ва иқтидорга мадад бериш, суянч бўлишдан иборатдир. Бу тизим юртимизда хотин-қизлар, айниқса, эҳтиёжманд аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлашга қаратилгани билан қадрли. Камбағалликка қарши курашиш сари ташланган бу ҳаракатнинг самараси ҳар бир оилада, ҳар бир аёл тақдирида яққол акс этмоқда.*

6

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**4-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги асосий принциплар**

Қонунийлик, очиқлик ва шаффофлик, истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг устуворлиги, замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги асосий принциплардир.

**5-модда. Ичимлик суви таъминоти хизматларига доир кафолатлар**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истеъмолчиларнинг белгиланган сифатдаги ичимлик суви билан истеъмол нормалари доирасида таъминланиши кафолатланади.

Ичимлик сувининг истеъмол нормаларини белгилаш қонунчиликда белгиланган тартибда, умумэътироф этилган стандартлар ва таснифларга мувофиқ амалга оширилади.

**6-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги давлат-хусусий шериклик**

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги давлат-хусусий шериклик «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

## 2-боб. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасини тартибга солиш

**7-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларининг хавфсиз ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва автоматлаштирилган рақамлаштириш тизимларини жорий этиш;

ресурсларни тежайдиган технологиялар жорий этилишини қўллаб-қувватлаш;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича сифатли хизматлар кўрсатиш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларини модернизация қилиш ҳамда ичимлик суви таъминоти ташкилотларини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида инвестицияларни жалб этиш;

соғлом рақобат муҳитини яратиш ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши устидан назорат ҳамда мониторингни амалга ошириш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматларнинг ҳисобга олинишини ташкил этиш;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларининг бажарилишини таъминлаш;

халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

**8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайди;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида ўз ваколатлари доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади;

давлат бошқаруви органларининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**9-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи ҳамда унинг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги дастурлар, стратегиялар ҳамда концепцияларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

аҳолининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан қамраб олинишини мониторинг қилиш учун янгилаб бориладиган электрон базани доимий асосда юритади;

аҳоли пунктларини ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан таъминлаш учун давлат ижтимоий буюртмаларини беради;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатилишида хусусий секторнинг иштирокини кенгайтириш, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида кенгайтириш чораларини кўради;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда уларни ўз ваколатлари доирасида қабул қилади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги тариф сиёсатини шакллантиришга кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикасидаги ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларини ривожлантиришнинг бош схемаси ишлаб чиқилишини таъминлайди;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги илмий тадқиқотларни ташкил этади ҳамда мувофиқлаштиради;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида кадрларга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилади ҳамда уларни тайёрлашда иштирок этади;

ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг реестрини юритади ва уни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштиради, улар фаолияти самарадорлигининг асосий мезонларини белгилайди ва баҳолайди;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги лойиҳаларнинг амалга оширилишини давлат капитал маблағлари ҳамда давлат кафолатлари остида жалб этилган чет эл инвестициялари ҳисобидан таъминлайди;

ичимлик суви ва оқова сувларни тозалаш иншоотларини технологик аудитдан ўтказишни ташкил этади ҳамда сувни тежаш бўйича зарур чораларни белгилайди;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари учун сувнинг технологик жиҳатдан сарфланишини ва йўқотилишини ҳисоб-китоб қилиш тартибини, шунингдек уларнинг йўл қўйиладиган нормаларини (лимитларини) белгилайди;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида қабул қилади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишга доир аниқ йўналтирилган дастурларни ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларини ривожлантириш режалари асосида шакллантиради;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишга доир аниқ йўналтирилган рўйхатларни ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан таъминланишини истиқболли прогноз қилиш мақсадида мувофиқлаштиради;

халқаро молия институтлари ҳамда халқаро давлат молия институтлари иштирокида амалга ошириладиган ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ҳамда лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиб олиш ва тасдиқлаш чораларини кўради, шунингдек лойиҳаларни молиялаштиришни амалга оширади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилиши мониторингини маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**10-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги давлат назорати органи ҳамда унинг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий инспекциялари ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи органдир (бундан буён матнда давлат назорати органи деб юритилади).

Давлат назорати органи:

ичимлик сувини самарали ишлаб чиқариш, етказиб бериш, реализация қилиш, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, шунингдек оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш бўйича хизматлар соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилик ҳамда норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

ичимлик суви иншоотларини ва оқова сувларни тозалаш иншоотларини технологик аудитдан ўтказади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларига уланишда техник шартлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади, шунингдек ушбу тармоқларга ўзбошимчалик билан уланишнинг олдини олиш бўйича чоралар кўради;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатиш чоғида ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидаги ва бошқа иншоотлардаги авариялар бартараф этилишини, улар юзага келишининг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қилади;

сув объектларидан сув олишдан то истеъмолчиларга реализация қилишга қадар бўлган барча жараёнларда сувнинг технологик жиҳатдан сарфланиши ва йўқотилишининг йўл қўйиладиган нормаларига риоя этилишини назорат қилади;

ер ости сувлари қудуқларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш шартларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

истеъмолчиларнинг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан қамраб олиниши устидан давлат назоратини амалга оширади;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик сувининг сифати ва белгиланган талабларга мувофиқлиги устидан давлат назоратини амалга оширади;

ичимлик суви таъминоти ташкилотларига ҳамда истеъмолчиларга ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

оқова сувларни чиқариб юбориш тармоғига нормадан юқори даражада ифлослантирилган оқова сувларни оқизиб юборганлик учун компенсация тўловларини қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилади ҳамда жисмоний ва юридик шахслардан ундиради;

ичимлик сувини олишнинг белгиланган лимитларига риоя этилишини назорат қилади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қонунчиликда белгиланган тартибда юритади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш объектларида, шу жумладан ер ости сувлари қудуқларида қурилиш-монтаж ишлари (реконструкция қилиш) устидан назорат олиб боради, лойиҳа-смета ҳужжатларини таҳлил қилади.

Давлат назорати органи ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**11-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасини ривожлантиришга қаратилган ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатилишига хусусий секторни жалб этишга кўмаклашади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилиши мониторингини амалга оширади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифларни тасдиқлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**12-модда. Фуқароларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги тадбирларда иштирок этиши**

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қонунчиликка мувофиқ ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

## 3-боб. Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари, уларнинг асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

**13-модда. Ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли**

Агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ташкилотлар ичимлик суви таъминоти ташкилоти сифатида фаолиятни амалга ошириши мумкин.

Ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг реестри ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг рўйхатини ўз ичига олади ва махсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

**14-модда. Ичимлик суви таъминоти ташкилотини бошқариш**

Ичимлик суви таъминоти ташкилотини бошқариш унинг таъсис ҳужжатларига ва ичимлик суви таъминоти ташкилоти томонидан қабул қилинган бошқа ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда бошқариш учун жавоб берадиган ташкилот белгиланиши мумкин.

**15-модда. Ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг асосий вазифалари**

Ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ичимлик сувини тайёрлаш, шунингдек истеъмолчиларни ичимлик суви билан шартнома асосида узлуксиз ва бир маромда таъминлаш;

истеъмолчиларга шартнома асосида оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатиш;

оқова сувларни қабул қилиш ва уларни қонунчилик талабларига мувофиқ тозалаш;

ичимлик ва оқова сув қувурлари ҳамда иншоотларидан самарали фойдаланиш, уларни соз ҳолатда сақлаш, авариялар ва носозликларни ўз вақтида бартараф этиш;

сувнинг технологик жиҳатдан сарфланишини ва йўқотилишини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан истеъмол қилинаётган сувнинг ва кўрсатилаётган хизматларнинг ҳажмини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш ҳисобидан камайтириш;

ичимлик сувини тайёрлашда ичимлик суви иншоотлари электр энергияси билан таъминланиши учун зарур чоралар кўриш;

замонавий сувни ҳисобга олиш асбобларини ва энергияни тежайдиган насос ускуналарини ўрнатиш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатганлик учун тўловларни ўз вақтида йиғиш;

ичимлик суви ташкилотининг молиявий-иқтисодий жиҳатдан барқарорлигини таъминлаш бўйича амалий чоралар кўриш;

ичимлик суви таъминотини ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасини ривожлантиришга, аҳолини ушбу соҳадаги хизматлар билан қамраб олишни кенгайтиришга қаратилган дастурлар, стратегиялар ҳамда концепцияларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

оқова сувларни тозалаш иншоотларидаги оқова сувларни ифлослантирувчи моддалар йўл қўйиладиган энг юқори нормага етказилгунига қадар тозалашни ташкил этиш;

ичимлик сувининг етказиб берилиши ва ундан фойдаланилиши мониторингини амалга ошириш;

сувнинг технологик жиҳатдан сарфланишига ва йўқотилишига доир йиғма ҳисоботни ишлаб чиқиш ҳамда махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш;

юридик шахсларга ичимлик сувини етказиб бериш учун лимитлар белгилаш.

**16-модда. Ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатишни қуйидаги ҳолларда истеъмолчини камида беш календарь кун олдин хабардор қилган ҳолда тўлиқ ёки қисман тўхтатиш:

юридик шахсларнинг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқлари, қурилмалари ҳамда иншоотлари техник жиҳатдан яроқсиз ҳолга келганда, ичимлик суви таъминоти ташкилоти томонидан аниқланган техник камчиликлар бартараф этилмаганда;

кўрсатилган ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун истеъмолчиларнинг қарздорлиги мавжуд бўлганда;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқлари, ичимлик суви ва оқова сувларни тозалаш иншоотлари режали таъмирланаётганда, уларга профилактик жиҳатдан хизмат кўрсатилаётганда, шунингдек янги истеъмолчилар уланаётганда;

2) ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатишни қуйидаги ҳолларда истеъмолчини огоҳлантирмасдан тўлиқ ёки қисман тўхтатиш:

табиий офатлар чоғида;

электр энергиясини етказиб бериш ичимлик суви таъминоти ташкилоти фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда тўхтатиб турилганда;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларида, шунингдек ичимлик суви ва оқова сувларни тозалаш иншоотларида авария бўлганда;

ёнғин ўчоғига ичимлик суви етказиб беришни кўпайтириш зарур бўлганда;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари тасарруфида бўлган ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ўзбошимчалик билан уланганлиги аниқланганда;

3) оқова сувларни чиқариб юбориш жойларини, шунингдек истеъмолчиларга бериладиган ичимлик сувини ҳисобга олиш жойларини ҳар ойда камида бир марта инвентаризациядан ўтказиш;

4) ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатиш қоидаларининг бузилишлари тўғрисида давлат назорати органини ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилиш.

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматларнинг узлуксизлигини ва хавфсизлигини таъминлаши;

оқова сувларни тозалашни амалга ошириши;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқлари, шунингдек ичимлик суви ва оқова сувларни тозалаш иншоотлари техник ҳолатининг мунтазам мониторингини олиб бориши;

ичимлик суви таъминоти тармоқларидаги ва ичимлик суви иншоотларидаги ичимлик суви сифатининг мониторингини олиб бориши;

истеъмолчиларга етказилган зарарнинг ўрнини қонунчиликда белгиланган тартибда қоплаши;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларида таъмирлаш ишлари натижасида шикаст етказилган объектларни ҳамда бошқа иншоотларни тиклаши;

ичимлик суви таъминоти тизимидаги давомийлиги 12 соатдан кўп бўлган режали узиб қўйишларни ёки тўхталишларни бартараф этиш чоғида аҳолини транспортда ичимлик суви билан таъминлаши;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимида авариялар аниқланган кундан эътиборан бир сутка ичида уларнинг сабаблари, хизматлар чекланадиган муддатлар, шунингдек кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ўзгариши сабаблари ҳақида истеъмолчиларни хабардор қилиши;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифлар ҳамда махсус устамалар ўзгариши тўғрисида ушбу ўзгаришлар жорий этилишидан ўн беш календарь кун олдин истеъмолчиларни оммавий ахборот воситалари орқали ва ўз расмий веб-сайтида хабардор қилиши;

сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатишнинг режалаштирилаётган тўхтатилиши ҳақида истеъмолчиларни беш календарь кун олдин хабардор қилиши;

биринчи навбатда жисмоний шахсларнинг, озиқ-овқат саноати корхоналарининг ва тиббиёт ташкилотларининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжлари таъминланишини амалга ошириши;

давлат назорати органи томонидан назорат тадбирларини ўтказишга кўмаклашиши;

ичимлик суви таъминоти истеъмолчиларига кўрсатилаётган хизматлар ва оқова сувларни чиқариб юбориш ҳажмини, сувни ҳисобга олиш асбобларининг ҳамда ёнғин гидрантларининг ҳолатини ойига камида бир марта ўрганиши;

давлат назорати органини ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига ўзбошимча уланишнинг аниқланган ҳоллари тўғрисида хабардор қилиши;

махсус ваколатли давлат органининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги топшириқлари бажарилишини таъминлаши шарт.

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**17-модда. Ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг жавобгарлиги**

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари:

қонунчиликка ҳамда шартнома шартларига мувофиқ ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича истеъмолчиларга сифатли хизматлар кўрсатмаганлик;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига белгиланган тартибда уланиш учун техник шартларни истеъмолчиларга ўз вақтида тақдим этмаганлик;

истеъмолчиларни сувни ҳисобга олиш асбобларини белгиланган муддатларда текширувдан ўтказиш ҳақида огоҳлантирмаганлик;

истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғига ҳамда мол-мулкига моддий ва маънавий зарар етказганлик;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларининг техник ҳолати учун ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг фойдаланишга доир жавобгарлиги чегаралари доирасидаги аварияларни ўз вақтида бартараф этмаганлик;

қонунчиликка ва шартнома шартларига мувофиқ ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг зиммасига юклатилган бошқа мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгар бўлади.

## 4-боб. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

**18-модда. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари**

Истеъмолчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматларнинг узлуксиз ва хавфсиз кўрсатилишини, шунингдек ўз ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига хавф туғдирмайдиган сифатга ва миқдорга эга бўлган ичимлик суви берилишини шартнома шартларига мувофиқ талаб қилиш;

ичимлик суви таъминоти ташкилоти шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, жарималар (пенялар) ва бошқа тўловлар тўланишини қонунчиликка мувофиқ талаб қилиш;

асоссиз равишда ундирилган тўловларнинг қайтарилишини ичимлик суви таъминоти ташкилотидан талаб қилиш;

ичимлик суви таъминоти ва (ёки) оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тегишли тўловларни тўлиқ тўлаган ҳолда шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш;

ичимлик сувининг сифати тўғрисидаги ахборотни ҳамда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича кўрсатилган хизматлар учун қарздорлик ҳақидаги маълумотларни ичимлик суви таъминоти ташкилотидан бепул олиш.

Истеъмолчилар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**19-модда. Истеъмолчиларнинг мажбуриятлари**

Истеъмолчилар:

ичимлик сувидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиши;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тўловни ўз вақтида амалга ошириши;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатганлик учун тарифлар ошган тақдирда, олдиндан тўланган тўловнинг қайта ҳисоб-китобини амалга ошириши;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидаги, иншоотлардаги авариялар ёки шикастланишлар, ичимлик сувини ҳисобга олиш асбобларидаги ва уларнинг пломбаларидаги шикастланишлар тўғрисида ичимлик суви таъминоти ташкилотини хабардор қилиши;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидаги техник ҳолат учун истеъмолчиларнинг фойдаланишга доир жавобгарлиги чегаралари доирасидаги аварияларни ўз вақтида бартараф этиши;

сувни ҳисобга олиш асбобларининг аниқ кўрсаткичларини ичимлик суви таъминоти ташкилотларига ўз вақтида тақдим этиши;

ишлаб чиқариш оқова сувларидаги ифлослантирувчи моддаларнинг локал тозалаш иншоотларида белгиланган нормативларга қадар тозаланишини таъминлаши;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлардан фойдаланиш учун рухсат этилган нуқталарга уланиши шарт.

Истеъмолчиларнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## 5-боб. Ичимлик суви таъминоти манбаларини танлаш ва улардан фойдаланиш. Ичимлик суви ва оқова сувларни тозалаш иншоотларининг санитария-муҳофаза зоналари

**20-модда. Ичимлик суви таъминоти манбалари**

Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, давлат стандартларига мувофиқ бўлган сув объектлари биринчи навбатда ичимлик суви таъминоти эҳтиёжлари учун фойдаланишга берилади.

Ер ости сувлари захиралари кам бўлган тақдирда, улар техник-иқтисодий асосга мувофиқ ичимлик суви таъминоти ташкилоти томонидан сунъий равишда тўлдирилиши керак.

**21-модда. Сув объектларидан ичимлик суви таъминоти эҳтиёжлари учун фойдаланиш**

Ичимлик суви таъминоти эҳтиёжлари учун биринчи навбатда ер усти сув объектларидан, кейин эса ер ости сув объектларидан Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ичимлик суви манбаларининг етарлилиги тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг улар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, давлат стандартларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаларига мувофиқ фойдаланилади.

**22-модда. Ичимлик суви ва оқова сувларни тозалаш иншоотларининг санитария-муҳофаза зоналари**

Ичимлик суви ва оқова сувларни тозалаш иншоотларининг, ичимлик суви учун сув олиш жойларининг санитария-муҳофаза зоналарини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларининг муҳофаза қилинадиган зоналари шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ белгиланади.

Ичимлик суви учун сув олиш, ер усти ҳамда ер ости манбалари жойларида жойлашган санитария-муҳофаза зоналарида ичимлик суви таъминотига тааллуқли бўлмаган хўжалик фаолиятини амалга оширишга ҳамда саноат ва фуқаролик объектларини (бинолар ва иншоотларни) қуришга йўл қўйилмайди.

## 6-боб. Ичимлик сувини тайёрлаш ва етказиб бериш

**23-модда. Ичимлик суви иншоотларининг тоифалари**

Ичимлик суви иншоотларининг тури ва схемасини танлаш жойнинг ва сув объектларининг геологик, гидрогеологик ва санитария шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ичимлик суви иншоотлари сув таъминоти даражаси бўйича қуйидаги тоифаларга бўлинади:

I тоифа – хизмат кўрсатиладиган аҳоли сони 50 мингдан ортиқ;

II тоифа – хизмат кўрсатиладиган аҳоли сони 5 мингдан 50 минггача;

III тоифа – хизмат кўрсатиладиган аҳоли сони 5 минггача.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

**24-модда. Ичимлик суви иншоотларида ичимлик сувини тайёрлашнинг технологик босқичлари**

Ичимлик сувини тайёрлаш сув объектидаги сувнинг сифати, ичимлик суви иншоотининг қуввати ва унинг географик жойлашуви ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Ер усти сув объектларидан олинадиган ичимлик сувини тайёрлашнинг технологик босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

сув лойқалигини тиндиришни;

сувни сизотлашни ҳамда зарарсизлантиришни;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, давлат стандартлари талабларига мувофиқ ичимлик сувини тайёрлашни (ишлаб чиқаришни).

Ер ости сув объектларидан олинадиган ичимлик сувини тайёрлашнинг технологик босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

сувни тортиб чиқаришни;

сувни зарарсизлантиришни;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, давлат стандартлари талабларига мувофиқ ичимлик сувини тайёрлашни (ишлаб чиқаришни).

**25-модда. Ичимлик сувининг сифати**

Ичимлик суви эпидемиологик, радиациявий ва кимёвий жиҳатдан хавфсиз бўлиши керак.

Сув объектларидан олинадиган сувнинг ва тайёрланган ичимлик сувининг таркибига доир талаблар, шунингдек таҳлил ўтказиш муддатлари ҳамда таҳлилларнинг турлари давлат стандартларига мувофиқ белгиланади.

Ичимлик суви сифатининг таҳлили ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг лабораторияларида амалга оширилади. Ичимлик суви таъминоти ташкилотларида лабораториялар мавжуд бўлмаган тақдирда, ичимлик суви сифатининг таҳлили шартнома асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ёки давлат назорати органининг лабораторияларида амалга оширилади.

Ичимлик сувининг сифати устидан давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва давлат назорати органи томонидан амалга оширилади.

**26-модда. Лабораториялар ваколатларини тасдиқлаш**

Ичимлик суви сифатининг таҳлили ўтказиладиган лабораторияларнинг малакалилиги ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган бўлиши керак.

**27-модда. Ичимлик сувини етказиб бериш**

Ичимлик суви истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари учун ичимлик суви таъминоти тармоқлари ёки транспортда етказиб берилиши мумкин.

Ичимлик суви таъминоти тизимлари масофадан маълумот узатувчи замонавий ҳисобга олиш асбоблари ва манометрлар билан жиҳозланади ҳамда ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан диспетчерлик хизматлари орқали бошқарилади.

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари авариялар ва носозликларнинг олдини олиш мақсадида ичимлик суви таъминоти тармоқлари, иншоотлари ва ускуналарини мунтазам равишда техник текширувдан ўтказади.

**28-модда. Ичимлик суви таъминоти хизматларини кўрсатиш чегаралари**

Ичимлик суви таъминоти ташкилоти ичимлик суви таъминоти тармоғининг истеъмолчига тегишли ҳудудга кирган қисмига (кўп қаватли уйларнинг кирувчи қисмига) қадар жавобгар бўлади ва мазкур чегарага қадар хизматлар кўрсатади.

Кўп квартирали уйни бошқариш органи ичимлик суви таъминоти тармоғининг кўп квартирали уйларга кирган қисмидан то истеъмолчига тегишли ҳудудга қадар жавобгар бўлади ва унга хизмат кўрсатилишини таъминлайди.

Истеъмолчилар ўзига тегишли ҳудуддаги ичимлик суви таъминоти тармоғи учун жавобгар бўлади.

**7-боб. Оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш**

**29-модда. Оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидан ва оқова сувларни тозалаш иншоотларидан фойдаланиш**

Оқова сувлар истеъмолчилардан оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқлари орқали ичимлик суви таъминоти ташкилотларининг оқова сувларни тозалаш иншоотларига кейинчалик зарарсизлантириш ва тозалаш учун узлуксиз тарзда етказиб берилади.

Маиший ва ишлаб чиқариш оқова сувлари оқова сувларни тозалаш иншоотлари томонидан қабул қилинади, экологик нормалар ва қоидаларга мувофиқ тозаланади ва улардан хавфсиз фойдаланилиши таъминланади.

**30-модда. Оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатиш чегаралари**

Ичимлик суви таъминоти ташкилоти оқова сувларни чиқариб юбориш тармоғининг истеъмолчига тегишли ҳудудга кирган қисмига (кўп қаватли уйларнинг кирувчи қисмига) қадар жавобгар бўлади ва мазкур чегарага қадар хизматлар кўрсатади.

Кўп квартирали уйни бошқариш органи кўп квартирали уйда оқова сувларни чиқариб юбориш тармоғи учун жавобгар бўлади ва унга хизмат кўрсатилишини таъминлайди.

Истеъмолчилар ўзига тегишли ҳудуддаги оқова сувларни чиқариб юбориш тармоғи учун жавобгар бўлади.

**31-модда. Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш хусусиятлари**

Коммунал-экологик норматив ишлаб чиқариш оқова сувларини оқизиб юборувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқилади ҳамда ичимлик суви таъминоти ташкилоти томонидан тасдиқланади.

Белгиланган нормадан юқори даражада ифлосланган ишлаб чиқариш оқова сувларини оқизиб юборувчи юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар оқова сувларни локал тозалаш иншоотларида бирламчи тозалаш ишларини бажариши керак.

Янги истеъмолчиларни, шу жумладан мавжуд истеъмолчиларнинг янгитдан ишга тушириладиган, товарларни ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) жараёнида белгиланган нормадан юқори даражада ифлосланган оқова сувларни ҳосил қилувчи объектларини оқова сувлар тармоқларига улашга фақат оқова сувларнинг белгиланган нормага қадар тозаланишини таъминлайдиган локал тозалаш иншоотлари мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади.

**32-модда. Белгиланган нормадан юқори даражада ифлосланган оқова сувларни оқизиб юборганлик учун компенсация тўловлари**

Оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига белгиланган нормадан юқори даражада ифлосланган оқова сувларни оқизаётган жисмоний ва юридик шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда компенсация тўловларини амалга оширади.

**8-боб. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш**

**33-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги лойиҳалар**

Молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан аҳолига ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатишни кенгайтириш ҳамда такомиллаштириш юзасидан лойиҳа таклифлари махсус ваколатли давлат органи томонидан шакллантирилади ва тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашлари муҳокамасига киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашларидаги муҳокама якунлари бўйича маъқулланган ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги лойиҳалар тегишли дастурлар асосида амалга оширилади.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги лойиҳаларда мажбурий тартибда:

ичимлик ва оқова сув қувурларини уй хўжаликларигача ўтказиш ва сувни ҳисобга олиш асбобларини ўрнатиш назарда тутилади;

ичимлик суви таъминоти объектларининг атроф-муҳитга, шунингдек қўшни ҳудудлардаги мавжуд ва режалаштирилаётган ичимлик суви таъминоти объектларига таъсири ҳисобга олинади.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича битта объектни қуриш ва реконструкция қилишни турли манбалардан, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда молиялаштиришга йўл қўйилмайди, бундан халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳалар мустасно.

**34-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида давлат ижтимоий буюртмаси**

Давлат ижтимоий буюртмаси доирасида ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш марказлаштирилган ичимлик суви таъминоти мавжуд бўлмаган туманларда ташкил этилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан давлат ижтимоий буюртмаси доирасида ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги ижтимоий лойиҳаларни рўёбга чиқариш ижрочини танлов асосида аниқлаш йўли билан амалга оширилади, танлов ҳақидаги эълон оммавий ахборот воситаларига, шу жумладан электрон оммавий ахборот воситаларига жойлаштирилади.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги ижтимоий лойиҳалар нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат ижтимоий буюртмасини бериш орқали махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

**9-боб. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатиш**

**35-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги истеъмолчиларнинг гуруҳлари**

Ичимлик сувига ва оқова сувларни чиқариб юборишга бўлган эҳтиёжга кўра истеъмолчилар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

биринчи гуруҳ – жисмоний шахслар;

иккинчи гуруҳ – идоравий уй-жой фонди ва ётоқхоналар, бюджет ташкилотлари, диний ташкилотлар, элчихоналар, дипломатик ваколатхоналар ҳамда уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, кўп квартирали уйни бошқарувчи ташкилотлар, уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, ичимлик суви таъминоти ташкилотлари ва иссиқлик таъминоти ташкилотлари;

учинчи гуруҳ – биринчи ва иккинчи гуруҳларга кирмайдиган юридик шахслар.

**36-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига жисмоний ва юридик шахсларни улаш**

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига уланиши улаш нуқтаси орқали амалга оширилади.

Ичимлик сувининг миқдори ва босими, шунингдек оқова сувларни қабул қилиш сиғими етарли бўлганда, жисмоний ва юридик шахслар ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига ичимлик суви таъминоти ташкилоти томонидан тақдим этилган техник шартлар асосида уланиши мумкин.

Тақдим этилган техник шартлар асосида жисмоний ва юридик шахслар томонидан тайёрланган ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига уланиш лойиҳалари ичимлик суви таъминоти ташкилотлари билан келишиб олинади.

**37-модда. Ичимлик суви таъминоти ва (ёки) оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатиш учун шартнома**

Ичимлик суви таъминоти ва (ёки) оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатиш истеъмолчи билан тузиладиган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

Шартномада ичимлик сувининг босими, сифати, оқова сувларни чиқариб юбориш қуввати, тарафларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, ҳисоб-китоблар ва тўловлар тартиби, низоларни ҳал этиш тартиби, енгиб бўлмас куч ҳолатлари ҳамда шартноманинг амал қилиш муддати кўрсатилган бўлиши керак.

Тарафларнинг келишувига кўра шартномага бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Жисмоний шахслар билан тузиладиган шартнома муддатсиздир.

**38-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатишга доир тақиқлар**

Қуйидаги ҳолларда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатиш ва улардан фойдаланиш тақиқланади:

шартнома тузмасдан;

ушбу Қонуннинг 36-моддасида белгиланган ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига улаш тартибининг бузилиши бартараф этилгунга қадар.

**10-боб. Ичимлик сувини транспортда етказиб бериш**

**39-модда. Ичимлик сувини транспортда етказиб бериш тартиби**

Ичимлик суви жисмоний ва юридик шахсларга ичимлик суви таъминоти ташкилотлари ёки мазкур соҳада фаолиятни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан транспортда етказиб берилиши мумкин.

Ичимлик суви қуйидаги ҳолларда транспортда етказиб берилади:

ичимлик суви таъминоти ташкилотининг тармоқлари мавжуд бўлмаган ҳудудларга;

ичимлик суви қувурларидаги ва ичимлик суви таъминоти тармоқларининг бошқа иншоотларидаги авариялар чоғида;

ичимлик суви таъминоти тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилаётганда;

фавқулодда вазиятларда;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ичимлик сувини транспортда етказиб бериш санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, давлат стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

**40-модда. Ичимлик сувини транспортда етказиб беришга доир асосий талаблар**

Ичимлик сувини ичимлик суви таъминоти ташкилотлари бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан транспортда етказиб бериш учун транспорт воситаси санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бўлиши, транспортда ўрнатилган идиш эса камида бир куб метр сув сиғимига эга бўлиши керак.

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан транспортда сув етказиб бериш бўйича транспорт хизматларини кўрсатганлик учун тарифлар ва тўлов тартибга солинадиган ҳамда шаффоф бўлиши керак.

Ичимлик сувини транспортда ушбу модда талабларига риоя этмаган ҳолда етказиб бериш тақиқланади.

**41-модда. Ичимлик сувини етказиб берадиган транспорт воситаларига қўйиладиган асосий талаблар**

Ичимлик сувини етказиб берадиган транспорт воситалари соғлиқни сақлаш органларида уларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлиги жиҳатидан ҳар ўн беш кунда камида бир марта текширилиши лозим.

Ҳайдовчилар ва ичимлик сувини тайёрлашда бевосита иштирок этувчи хизмат кўрсатувчилар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган талабларга мувофиқ тиббий кўрикдан ўтиши керак.

**11-боб. Сувнинг йўқотилиши**

**42-модда. Сувнинг технологик эҳтиёжлар учун сарфланиши ва йўқотилиши**

Ичимлик суви таъминоти ташкилоти томонидан ичимлик сувини тайёрлаш ва ишлаб чиқариш жараёнида сувнинг технологик эҳтиёжлар учун сарфланиши ва йўқотилиши сувнинг технологик жиҳатдан сарфланиши, ичимлик суви таъминоти тармоқларидаги ҳисобга олинмаган йўқотишлар ҳамда ичимлик суви таъминоти ташкилоти томонидан ўз эҳтиёжлари учун ичимлик суви сарфланишидан таркиб топади.

**43-модда. Сувнинг технологик жиҳатдан сарфланишини ва йўқотилишини ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

Сувнинг технологик жиҳатдан сарфланишини ва йўқотилишини ҳисоб-китоб қилиш тартиби махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Сувнинг технологик жиҳатдан сарфланишини ва йўқотилишини ҳисоб-китоб қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

ичимлик суви иншоотларидаги технологик эҳтиёжлар учун сарфланишини;

сувнинг ичимлик суви таъминоти тармоқларини таъмирлаш, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни таъмирлаш ва (ёки) алмаштириш чоғида сарфланишини;

ичимлик сувининг янги ётқизилган ичимлик суви таъминоти тармоқларини улаш учун сарфланишини;

сувнинг, шу жумладан ичимлик сувининг ичимлик суви таъминоти тизимидаги авариялар ва носозликлар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тадбирлар натижасида йўқотилишини;

носозликлар натижасида ичимлик суви таъминоти тармоғидан ичимлик сувининг йўқотилишини;

ичимлик сувининг ёнғинни ўчириш эҳтиёжлари (ёнғинни ўчириш, ўт ўчиришга қарши гидрантларни текшириш, ёнғин-тактик машқлар ва машғулотлар) учун йўқотилишини;

ичимлик суви таъминоти ташкилоти томонидан ўз эҳтиёжлари учун ичимлик суви сарфланишини.

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари сувни ўз эҳтиёжлари учун сарфлашда сувни ҳисобга олиш асбобларидан мажбурий тартибда фойдаланиши керак.

**44-модда. Сувнинг технологик жиҳатдан сарфланишига ва йўқотилишига оид ҳисобот ҳамда нормалаштириш**

Сувнинг технологик жиҳатдан сарфланишига ва йўқотилишига оид ҳисобот ҳар йили ичимлик суви таъминоти ташкилоти томонидан тузилади ҳамда ҳисобот йилидан кейинги 1 мартдан кечикмай махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади.

Махсус ваколатли давлат органи ичимлик суви таъминоти ташкилотлари учун қуйидагиларни инобатга олган ҳолда сувнинг жорий йил учун технологик жиҳатдан сарфланиши ва йўқотилиши нормаларини (лимитларини) 1 апрелдан кечиктирмай белгилайди:

ичимлик суви таъминоти ташкилотининг аввалги йил учун сувнинг технологик харажатлари ва йўқотишлари ҳақидаги ҳисоботини;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан хизмат кўрсатиладиган ҳудудларда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида амалга оширилаётган лойиҳаларни ва жорий этилаётган объектларини.

**12-боб. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифлар**

**45-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифларни шакллантириш (қайта кўриб чиқиш)**

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар, шу жумладан ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан ичимлик сувини транспортда етказиб бериш учун тарифларни қонунчиликда белгиланган тартибда ишлаб чиқади.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифлар маҳсулот таннархига киритилган харажатлар, жорий харажатлар, молиявий харажатлар, солиқлар (сувнинг технологик жиҳатдан нормативдан юқори даражада сарфланганлиги ва йўқотилганлиги учун солиқлардан ташқари) ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек соф фойда суммасидан шакллантирилади.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифларни шакллантиришда ичимлик суви таъминоти ташкилотларини ривожлантириш ва модернизация қилиш учун харажатлар ҳисобга олинади.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар, шу жумладан транспорт хизматлари учун тарифлар даражасига таъсир кўрсатадиган омиллар кескин ўзгарган тақдирда, тарифларни ўзгартириш бўйича таклифлар лойиҳаси тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи томонидан Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилади.

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари жамоатчилик муҳокамаси тугаганидан кейин ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифларни қайта кўриб чиқиш ташаббуси билан ҳудудий монополияга қарши курашиш ва молия органларига мурожаат қилади.

Ҳудудий монополияга қарши курашиш ва молия органлари тарифларни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги таклифлар олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда ичимлик суви таъминоти ташкилотига ушбу таклифларни рад этиш, қайта кўриб чиқиш ёки қабул қилиш тўғрисидаги ўз хулосаларини тақдим этади.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифлар бюджет параметрлари тасдиқланганидан кейин бир йил давомида қайта кўриб чиқилиши натижасида бюджет ташкилотлари учун зарур бўлган қўшимча маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларидан ажратилади.

**46-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифларни тасдиқлаш**

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматларга, шу жумладан транспортда ичимлик сувини етказиб беришга оид тарифларни ўзгартиришга доир таклифларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ушбу Қонун 45-моддасининг олтинчи қисмида кўрсатилган ташкилотларнинг хулосаларини илова қилган ҳолда киритади.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун ўзгартирилган тарифларни тасдиқлаш тўғрисидаги масала тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан кўриб чиқилади.

**47-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифларни амалга киритиш**

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан тасдиқланган тарифлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилингандан кейин ўн беш кун ўтгач кучга киради.

**13-боб. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларида кўрсатилган хизматларни ҳисобга олиш**

**48-модда. Ичимлик сувининг ва оқова сувларнинг ҳисобини юритиш**

Ичимлик сувининг ҳисоби ўрнатилган сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсаткичлари асосида ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан юритилади.

Сувни ҳисобга олиш асбоби мавжуд бўлмаган тақдирда, аҳоли учун сарфланган ичимлик сувининг ҳисоби белгиланган истеъмол нормалари асосида, юридик шахслар учун эса ичимлик суви таъминоти тармоқларининг (ичимлик суви қувурининг) ўтказиш қобилияти бўйича юритилади.

Маиший оқова сувлар миқдори олинган ичимлик сувининг миқдорига тенг равишда қабул қилинади.

Ишлаб чиқариш оқова сувларининг ҳисоби товарларни ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) чоғида сарфланган ичимлик сувининг (товарга айлантирилган, буғланган ва бошқа технологик жараёнларда йўқотилган ичимлик суви) миқдорини ушбу мақсадлар учун олинган сувнинг миқдоридан чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади.

Маиший ва ишлаб чиқариш оқова сувларининг миқдорини аниқлашда суғоришга, қурилишга ва ҳудудни ободонлаштиришга сарфланадиган сувнинг миқдори ҳисобга олинмайди.

**49-модда. Оқова сувларнинг қўшимча чиқариб юборилиш миқдорини ҳисоб-китоб қилиш**

Сув марказлаштирилган иссиқ сув таъминоти ва бошқа сув объектларидан шахсий эҳтиёжлар учун сарфланганда, оқова сувлар миқдори:

марказлаштирилган иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобининг кўрсаткичлари бўйича, ҳисобга олиш асбоби мавжуд бўлмаган тақдирда – иссиқ сув истеъмоли нормалари бўйича;

сув бошқа сув объектларидан олинганда – ҳисобга олиш асбоби кўрсаткичлари бўйича, ҳисобга олиш асбоби мавжуд бўлмаган тақдирда – ушбу сув объектларининг қуввати бўйича аниқланади.

Агар ҳақиқатда оқизиб юборилган оқова сувларнинг миқдори оқова сувларнинг ҳисоб-китоб қилинган миқдоридан кам бўлса, оқова сувлар миқдори истеъмолчи томонидан тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатларга мувофиқ қайта ҳисобланади.

**50-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига ўзбошимчалик билан уланганлик учун тўлов миқдорини ҳисоб-китоб қилиш**

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ичимлик суви таъминоти ва (ёки) оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига ушбу Қонуннинг 36-моддасида белгиланган тартибни бузган ҳолда уланиши ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш деб топилади.

Ичимлик суви таъминоти ва (ёки) оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб олинган тақдирда, истеъмол қилинган ичимлик сувининг ва (ёки) чиқариб юборилган оқова сувларнинг миқдори юридик шахслар учун ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларининг (ичимлик ва (ёки) оқова сув қувурининг) ўтказиш қобилиятидан келиб чиққан ҳолда, жисмоний шахслар учун эса ичимлик сувини истеъмол қилиш нормаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилинади. Бунда ичимлик суви қувурида сув мавжуд бўлганлиги, истеъмолчининг ҳисоб-китоб қилинган ичимлик суви миқдоридан фойдаланиш ва уни оқова сувларни чиқариб юбориш тармоғига оқизиб юбориш мумкинлиги факти инобатга олинади.

**14-боб. Якунловчи қоидалар**

**51-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик**

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

**52-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги етказилган зиён ҳамда зарарнинг ўрнини қоплаш**

Ичимлик сувининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, давлат стандартларига мувофиқ эмаслиги натижасида жисмоний шахсларнинг соғлиғига етказилган зиённинг ўрни қонунчиликка мувофиқ ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан тўлиқ ҳажмда қопланади.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларидан фойдаланиш қоидаларига жисмоний ва юридик шахслар томонидан риоя этмаганлик, шу жумладан ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига, иншоотларга шикаст етказганлик, таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширишга монелик қилганлик, сув объектларини ифлослантирганлик натижасида етказилган зарарнинг ўрни айбдор шахслар томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

**53-модда. Низоларни ҳал этиш**

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

**54-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**55-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**56-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**57-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 22 июль
№ ЎРҚ—784

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАСБ-ҲУНАР ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

нодавлат таълим ташкилотлари, профессионал таълим муассасалари ҳамда Олий мактабнинг касб-ҳунар йўналиши бўйича ўқув курсларини якунлаган ишсиз хотин-қизлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан мавжуд бўш иш ўринларига жойлаштирилади;

тадбиркорлик йўналиши бўйича ўқув курсларини якунлаган хотин-қизларга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтишидан бошлаб, ўз фаолиятини мустақил олиб боришига қадар бўлган жараёнда ҳоким ёрдамчилари томонидан тизимли равишда амалий ёрдам кўрсатиб борилади.

2. Белгилансинки, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси томонидан меҳнатга лаёқатли, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни иш билан таъминлаган иш берувчилар учун **6 ой давомида** ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг **2 бараваридан кам бўлмаган миқдорда субсидия ажратилади**.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги **икки ой муддатда** меҳнатга лаёқатли, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни иш билан таъминлаган иш берувчилар учун субсидиялар ажратиш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган фуқаролар, биринчи навбатда, хотин-қизларга ҳоким ёрдамчиси тавсияси асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан нодавлат таълим ташкилотлари ва профессионал таълим муассасаларининг ўқув курси қийматининг қолган **30 фоиз** қисми Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳудудий бошқармаси, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи, тегишлилиги бўйича нодавлат таълим ташкилотлари ёки профессионал таълим муассасалари ва фуқаро ўртасида шартномага мувофиқ олдиндан тўлаш орқали қоплаб берилади.

4. Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Олий мактаб билан биргаликда **бир ой муддатда**:

ҳар бир маҳалла кесимида ишсиз деб эътироф этилган ва ишлаш ёки тадбиркорлик қилиш истагини билдирган хотин-қизларнинг бирламчи рўйхатини шакллантирсин;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги “Ишга марҳамат” мономарказлари, Олий мактабининг ҳудудий филиаллари, Савдо-саноат палатасида шакллантирилган рўйхатларга киритилган хотин-қизларнинг касб-ҳунарга (“Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси электрон ахборот тизимида мавжуд бўш иш ўринларидан келиб чиққан ҳолда) ва тадбиркорликка ўқитилишини таъминласин;

ҳоким ёрдамчилари тавсиясига асосан касб-ҳунар йўналишлари бўйича курсларни тугатган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш борасида “Онлайн-маҳалла” платформасини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг “Mehnat.uz” платформасига интеграция қилиш орқали уларни мавжуд бўш иш ўринларига йўналтирсин.

5. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори **М.М.Убайдуллаев** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров ва З.Б.Махкамова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 22 июль

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЖАҲОН МИҚЁСИДА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

1

Буни “Дунё” ахборот агентлигига хорижий ижтимоий-сиёсий ва таҳлил доиралари, етакчи оммавий ахборот воситаларининг вакиллари томонидан давлатимиз раҳбариятининг мамлакатни демократик ўзгартиришдаги муҳим роли, шунингдек, Марказий Осиё минтақасининг барқарор ривожланиши ва иқтисодий фаровонлигига қўшаётган салмоқли ҳиссаси алоҳида таъкидланиб, тақдим қилинган эксперт баҳолари ҳам тасдиқлайди.

**Татьяна ВАЛОВАЯ, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ўринбосари, БМТнинг Женевадаги бўлими бош директори:**



— БМТнинг Женевадаги ваколатхонаси Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни катта қизиқиш билан кузатиб бормоқда.

Улар ўзининг изчиллиги, динамикаси ва самарадорлиги билан ажралиб туради. Бу эса Ўзбекистон аҳолиси фаровонлигини юксалтиришда ижобий самараларга эришишида муҳим роль ўйнамоқда.

**Гай РАЙДЕР, Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори:**



— Ўзбекистон Президентининг қатъий саъй-ҳаракатлари, кўраётган кенг кўламли чора-тадбирлари, долзарб вазифалар ечимини ҳаётга изчил татбиқ этаётгани, шунингдек, сўнгги йилларда олиб борилаётган ислоҳотлар динамикаси коронавируснинг иқтисодиётга, жамият ва аҳоли ҳаётига салбий таъсирини юмшатди. Иқтисодий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари республикага нафақат коронавирусга қарши курашиш, балки унинг бизнес ва аҳоли даромадлари даражасига салбий оқибатларини бартараф этиш имкониятини берди. Ўзбекистон томонидан кўрилган чора-тадбирлар Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг COVID-19 оқибатларига қарши курашиш сиёсати билан ҳамоҳангдир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни қабул қилиш бўйича ташаббуси жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда. ХМТ ҳужжат лойиҳасини кўриб чиқишда эксперт ёрдамини кўрсатишга тайёр. Мазкур ҳужжат инқироздан кейинги даврда меҳнат бозорини тиклаш, ишсизлик ва ишчиларнинг даромадини йўқотиш билан боғлиқ вазиятни барқарорлаштиришда самарали ечим бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда тизимли мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймасликка эришилди. Қонунчилик даражасида кўрилаётган чора-тадбирлар эса уларга бутунлай барҳам беришга асос бўлади. Жумладан, бундай ҳолатлар учун жарима миқдори оширилди, ушбу йўналишдаги ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарлик жорий этилди.

Ташкилотимиз 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон — ХМТ ҳамкорлик дастури доирасида мамлакатнинг инклюзив иқтисодий ўсиш учун муносиб ва сифатли иш ўринлари яратиш, инқироздан кейинги даврда ишчи кучи сифатини ва унинг ҳаракатчанлигини ошириш, ижтимоий мулоқотни мустаҳкамлаш соҳасидаги ташаббусларини амалга оширишга кўмаклашишга тайёр.

Бу йил Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига (ИҲТ) раислик қилмоқда. Ушбу ташкилотларга раислик фаолияти мамлакатимизнинг янги ташаббуслари ва кўплаб муҳим тадбирлар ўтказилиши билан ажралиб турибди. Мазкур тадбирлар халқаро тузилмаларнинг барча аъзолари томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

**Чжан МИН, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Бош котиби:**



— Яқинда Ўзбекистонга ташриф чоғида Президент Шавкат Мирзиёевнинг оқилона раҳбарлигида халқ манфаатлари ва мамлакат равнақига қаратилган чуқур ислоҳотлар самарасида эришилган ютуқларни ўз кўзим билан кўрдим.

Ишончим комилки, мамлакатингиз доно раҳбарининг қатъияти ва иродаси, кўп миллатли халқнинг бунёдкорлиги ва келажакка ишончи тинчлик ва барқарорликни ҳамда фуқаролар ўртасидаги миллий тотувликни таъминлашга хизмат қилади. Бу эса Ўзбекистон учун тинчлик ва фаровонликнинг калитидир.

**Ҳусрав НОЗИРИЙ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) Бош котиби:**



— Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида ИҲТга аъзо бўлган энг муҳим давлатлардан биридир. Ўзбекистон ташаббусларининг ИҲТга аъзо давлатларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ва ҳамкорлигида амалга оширилаётгани минтақанинг барқарор иқтисодий ривожланишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг “Ўзаро узвий боғлиқликни мустаҳкамлаш йили” шиори остидаги ИҲТга раислиги концепциясини тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Ташкилот Котибияти Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 28 ноябрь куни Ашхободда бўлиб ўтган ИҲТ саммитида илгари сурган ташаббусларини амалга ошириш учун барча имкониятларни ишга солмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида эълон қилинган туризм соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида бугун Ўзбекистон “The New York Times”, “The Guardian”, “The Independent”, “Global Muslim Travel Index”, “National Geographic Traveler Awards”, “Lonely Planet” ва бошқа нуфузли ОАВ томонидан жозибадор сайёҳлик йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

**Зураб ПОЛОЛИКАШВИЛИ, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) Бош котиби:**



— UNWTO ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистон туризм саноати энг жадал ривожланаётган бешта давлат қаторидан жой олди. “The Guardian” эса мамлакатни дунёдаги энг яхши сайёҳлик йўналиши сифатида эътироф этди.

UNWTO Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўлида туризм инфратузилмасини ривожлантиришдаги етакчи ролини юқори баҳолайди. Мамлакатда бой маънавий-маданий меросни ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, қадимий обидалар ва меъморий мажмуаларни таъмирлаш ва асраб-авайлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Биз Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни қатъий қўллаб-қувватлаймиз. Республика раҳбарининг тинчлик ва изчил тараққиётни таъминлаш борасидаги ижобий ўзгаришлари, саъй-ҳаракатларини юқори баҳолаймиз.

Ишончим комилки, бу демократик ислоҳотлар республиканинг UNWTO билан муносабатларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

**Мартинг ЧУНГОНГ, Парламентлараро Иттифоқ Бош котиби:**



— Ўзбекистонда давлат, парламент ва жамоатчилик институтлари ўзаро ҳамкорликда ишлаётгани эътиборни тортади. Мен Ўзбекистонга ташрифим давомида Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашган эдим. Парламентлараро ҳамкорликни изчил йўлга қўйишга улкан ҳисса қўшаётгани учун Президент Шавкат Мирзиёевга алоҳида миннатдорлик билдиришни истайман.

Ҳамкасбларим Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, барқарор ривожланиш мақсадларини рўёбга чиқариш борасида жуда катта ишлар амалга оширилаётганини айтиб берган эди. Ўзбекистонга боргач, бу гап ҳақиқат эканига ўзим ишонч ҳосил қилдим. Мамлакатда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва гендер тенглиги борасида ҳам салмоқли ишлар бажарилаётгани эътиборга моликдир. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда гендер тенглигига эришиш, ёшлар муаммоларини ҳал қилишда яхши тажриба тўпланганини тасдиқлайди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистоннинг дунёга сўзлаб берадиган ўз ҳикояси, яъни тажрибаси бор.

**Кунио МИКУРИЯ, Жаҳон божхона ташкилоти бош котиби:**



— Сўнгги олти йилда биз жуда яқин ҳамкорликни ривожлантирдик. Ўтган йил ноябрь ойида Тошкентда Жаҳон божхона ташкилоти минтақавий лабораториясини очдик. Бу божхона тартиб-таомилларини ривожлантириш ва енгиллаштиришга ҳисса қўшади, Ўзбекистон ва минтақа мамлакатлари божхона хизматларига божхона расмийлаштируви масалаларини сезиларли даражада осонлаштириш имконини беради.

Президент Шавкат Мирзиёев билан 2021 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган учрашув якунлари бўйича қўшма тадбирларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси қабул қилинган эди. У Ўзбекистон божхона хизматини янада модернизация қилишга қаратилган. Ҳозир Ўзбекистон жуда жадал ривожланмоқда, жумладан, хорижий сармояларни жалб этиш соҳасида ҳам. Яқинда Тошкент халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтди ва унда кўплаб нуфузли инвесторлар иштирок этди. Бундан ташқари, март ойи бошида БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси доирасида Марказий Осиё давлатларининг минтақавий ҳамкорлигига бағишланган халқаро форумда қатнашдим.

Жаҳон божхона ташкилоти Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида бошланган божхона хизматини ислоҳ қилиш, савдони ривожлантириш ва божхона тартиб-таомилларини осонлаштириш бўйича ислоҳотларни келгусида ҳам қўллаб-қувватлашини ва уларнинг амалий татбиқ этилишига ҳар томонлама ёрдам беришга тайёрлигини билдираман.

**«Дунё» АА.**

# МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ ЗАМОНАВИЙ ИЛМ-ФАН ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

*22 июль куни Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг Самарқандда ўз ишини бошлаган VI халқаро конгресси ана шу мавзуга бағишланган.*

**Анжуман**

24 июлга қадар давом этадиган мазкур халқаро анжуман Ўзбекистон Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда ўндан ортиқ халқаро ва миллий ташкилотлар кўмагида ташкил этилди.

Конгресснинг биринчи кунида “Ўзбекистон маданий мероси замонавий илм-фан диққат марказида” мавзуидаги халқаро илмий конференция ўтказилди. Унда Ўзбекистон ва Марказий Осиё халқлари маданий меросига оид маърузалар тингланди.

— Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштиришга бағишланган лойиҳа мамлакатимиз маданий меросини тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори Баҳром Абдуҳалимов. — Бир неча йил олдин бошланган лойиҳа юртимиз тарихига қизиқувчи дунёдаги 500 нафардан зиёд шарқшунос олимларни ўзида бирлаштирди. Бугунги кунгача мамлакатимиз маданий меросига боғлиқ элликта китоб-альбом нашрдан чиқарилган эди. Уларга дунёнинг турли давлатларида сақланаётган юртимизга оид ноёб манбалар киритилган. Олтинчи конгресс доирасида яна ўнта ана шундай китоб-альбом тақдимоти ўтказилди.

Умуман олганда, конгрессни ўтказишдан мақсад юртимиз маданий меросини чуқур ўрганиш, ундан фойдаланган ҳолда мамлакат тарихида бошланган янги давр илм-фани, инновацион ривожланишини янги босқичга кўтаришдан иборат. Ўйлайманки, лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишлар учинчи Ренессанс учун муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Конгресс доирасида “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида” (51 — 60 жилд) туркумидаги 10 та янги китоб-альбомнинг тақдимоти бўлиб ўтди. 25 дан ортиқ давлатлардан 350 нафар олим томонидан дунёга машҳур 100 дан ортиқ кутубхона ва музейлардаги китоб-альбомлар асосида ишланган тўплам 60 жилдга етди.

Конгрессда дунёга машҳур шарқшунос олимлар, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари ва музейлар директорлари, академиклар, илм-фан намояндалари қатнашмоқда. Икки кун давомида улар томонидан Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари маданий меросига бағишланган 100 дан ортиқ маърузалар тингланиши кўзда тутилган.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).**

# МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТ ЧИНАКАМ ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИГА АЙЛАНМОҚДА

1

Бунда, муҳими, нечоғли халқпарвар ва инсонпарвар, халқчил ҳамда эркин, ижтимоий ва маънавий, ҳуқуқий ҳамда адолатли, хавфсиз ва барқарор, бахтли ҳамда фаровон, миллий ва умумбашарий давлат барпо этишдек қатъий ниятимиз ўзининг бор бўй-басти билан намоён бўлиши тайин.

**Биринчи устувор йўналиш — инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш.** Бу борада 3 та концепция, 1 та миллий дастур, 2 та кодекс ва 13 та қонун ишлаб чиқилади ҳамда қабул қилинади.

**Иккинчи устувор йўналиш — мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш:** 3 та концепция, 2 та кодекс ва 10 та қонун.

**Учинчи устувор йўналиш — миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш:** 9 та стратегия, 9 та концепция, 3 та кодекс ва 7 та қонун.

**Тўртинчи устувор йўналиш — адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш:** 2 та стратегия, 2 та концепция, 2 та дастур, 4 та кодекс ва 1 та қонун.

**Бешинчи устувор йўналиш — маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш:** 1 та концепция, 3 та миллий ҳамда махсус дастур, 1 та қонун.

**Олтинчи устувор йўналиш — миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш:** 2 та стратегия ва 1 та қонун.

**Еттинчи устувор йўналиш — мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш:** 2 та стратегия, 2 та (қўшма ва минтақавий) дастур, 1 та кодекс ҳамда 4 та қонун.

Бу жуда муҳим ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, амалда татбиқ этиш — айни жараёнларнинг барчаси, ўз навбатида, миллий қонунчилик ва ҳуқуқий амалиётда **“Инсон — жамият — давлат” тамойилини** мустаҳкамлашни талаб этади. Зеро, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида йиллар давомида амал қилиб келган “**Давлат — жамият — инсон**” тамойили **“Инсон — жамият — давлат**” тамойилига ўзгартирилмоқда.

Шу муносабат билан ҳозирги кунда — Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида олдимизда турган долзарб ва мураккаб вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда мамлакатимиз парламентида қонун ижодкорлиги соҳасида бутунлай янгича иш тизими йўлга қўйилган. Бу борада, хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича холис баҳс-мунозара ва тортишувлар маконига, турли ижтимоий манфаатлар ўртасидаги кураш майдонига, чинакам демократия мактабига айланмоқда.

Бунда **“Қонуннинг ягона манбаи ва яратувчиси — халқдир”**, деган эзгу ғояни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, янги Ўзбекистон давлати — халқники. Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати, қонуний эҳтиёжлари ва манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Янги Ўзбекистон — кучли парламентаризм институти амалда бўлган ва **“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”** тамойили амалга ошириладиган давлатдир. Мамлактимизда қонунлар инсонлар ҳамда жамият ҳаётини яхшилаш, қонун ижодкорлиги сифатини тубдан ошириш, қонунчиликни тизимлаштириш ва кодлаштириш, қонуности ҳужжатлар сонини кескин камайтириш ҳамда “ақлли тартибга солиш” модели элементларини жорий этиш учун қабул қилинмоқда.

Миллий қонун ижодкорлиги соҳасида сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Тараққиёт стратегияси доирасида конституциявий ислоҳот ғоясининг туғилиши, ривожланиши ва амалга оширилиши жараёнлари алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда конституциявий ислоҳотнинг бош ғоявий илҳомлантирувчиси, шубҳасиз,



Президентимиз Шавкат Мирзиёев, асосий ташаббускори эса мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламидир. Давлат раҳбари бутун халқимизни ана шу буюк мақсадга эришишда ўзаро бирдамликка ва ҳамжиҳатликка чақирди. Юртбошимиз уқтирганидек, **“Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг ёркин ифодаси бўладиган янгиланаётган Конституциямизга таяниб, Янги Ўзбекистонни албатта биргаликда барпо этамиз”.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини жамиятдаги бугунги реал воқеликка мослаштиришни, аслида, мамлакатимиздаги изчил ислоҳотлар тақозо этди. Бинобарин, атоқли француз сиёсатчиси ва давлат арбоби **Шарль Андре де Голль** таъбири билан айтганда, **“Конституция бемалол ўзгартирилиши мумкин. Уни мўмиёдек қотириб қўйиш керак эмас”.**

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида илгари сурилаётган кенг кўламли вазифалар, хусусан, адолатли ва халқпарвар давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатлари, қадр-қимматини янада самарали таъминлаш каби улуғвор мақсадлар бу борада зарур ҳуқуқий асосни таъминловчи конституциявий маконни янада такомиллаштириш эҳтиёжини кун тартибига қўйди.

Шу асосда Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ҳамда ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия ташкил этилиб, унинг таркиби ва вазифалари белгиланди. Конституциявий комиссия бугунги кунда фаол ишламоқда.

Парламентлараро Иттифоқ Бош котиби **Мартин Чунгонг** бу ҳақда шундай дейди: **“Конституция — халқ учун ёзилади. Мамлакатингизда бўлиб ўтаётган умумхалқ муҳокамаси ва келиб тушаётган кўп сонли таклифларнинг эътибор билан ҳисобга олиниши натижасида халқаро стандартларга, энг муҳими, Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродаси ва орзу-истакларига тўлиқ мос келадиган Конституциявий қонун лойиҳаси шакклантирилиши тайин. Парламентлараро Иттифоқ Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан мамлакатда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳот жараёнларини тўла қўллаб-қувватлайди. Биз бу борада ҳар қандай техник кўмак кўрсатишга ҳамиша тайёрмиз”.**

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда “бош меъмори” Шавкат Мирзиёев ҳисобланадиган янги Ўзбекистонни бунёд этиш бўйича бажарилаётган кенг кўламли ишларга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Энг муҳими, бугунги кунда Ўзбекистоннинг изчил ривожланаётгани ва шу боис жаҳонда нуфузи ўсиб бораётгани — бу мамлакатда демократик ҳамда бозор ислоҳотларини амалга ошириш, ушбу шиддатли янгиланишларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратишга қаратилган замонавий қонун ижодкорлиги борасида эришилаётган ютуқлар туфайли ҳамдир.

Янги Ўзбекистон раҳбари — ўз йўлидан бориш ҳуқуқини изчил ҳимоя қилаётган замонамизнинг саноқли сиёсатчиларидан биридир. Бу мустақил тараққиёт йўлининг моҳияти:

**биринчидан,** жамиятнинг ўзига хос тарихий шарт-шароитлари, унинг миллий, диний ва маданий хусусиятлари пухталик билан ҳисобга олинганида;

**иккинчидан,** иқтисодий ривожланиш ҳамда тараққиётнинг анъанавий ахлоқий ва маданий қадриятлар билан уйғунлигида;

**учинчидан,** эски соғлом фикрнинг тажрибага асосланмаган назариялардан устунлигида;

**тўртинчидан,** мафкуралашган концепциялар устидан ватанпарварлик, прагматизм ва ижодий амалиётнинг устунлигида яққол намоён бўлмоқда.

**Акмал САИДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори.**

# ИККИ МАМЛАКАТ ПАРЛАМЕНТЛАРИ АЛОҚАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА КЕНГ УРҒУ БЕРИЛДИ

1 Масалан, ўтган йил июнь ойида парламентлараро дўстлик гуруҳлари навбатдаги учрашуви онлайн шаклда ташкил этилди. Мулоқот чоғида дўстлик гуруҳлари кейинги йиғилишни жорий йил август ойида Тошкент шаҳрида ўтказишга келишиб олди. Шунингдек, қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суришнинг янги институционал механизмларини жорий қилиш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Мулоқот давомида Жанубий Корея вакилларига Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар, хусусан, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий давлат, ёшлар масалалари бўйича киритиш таклиф қилинаётган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида батафсил маълумот тақдим этилди.

"Жанубий Корея — Ўзбекистон" парламент дўстлик ассоциацияси раиси Ўзбекистондаги конституциявий ислоҳотларни қўллаб-қувватлади.

— Асосий Қонунга киритиш таклиф этилаётган ўзгартишларда "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" тамойилини амалга ошириш бўйича конституциявий нормани белгилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани Ўзбекистонда "Инсон — жамият — давлат" тамойилининг амалда ўз ифодасини топиши учун ҳуқуқий асос бўлади, — деди Пак Кванг Он.

Томонлар конструктив ва амалий руҳдаги мулоқотларни изчил давом эттириш, икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлган парламентлараро ҳамкорлик ҳамда дўстлик гуруҳлари ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтиришга келишиб олди.

## Муносабатларимиз изчиллигида қонун чиқарувчи органлар муҳим ўрин тутади

Содиқ Сафоев бошчилигидаги делегация Жанубий Корея Миллий ассамблеяси (парламенти) Спикери Ким Чжин Пхё билан учрашди.

Мулоқот аввалида Ўзбекистон делегацияси раҳбари Ким Чжин Пхёни Жанубий Корея парламенти Спикери лавозимига сайлангани билан қутлар экан, унинг раҳбарлигида икки мамлакат парламентлараро алоқалари янада фаоллашишига ишонч билдирди.

Очиқ ва ишончли мулоқот тарзида ўтган учрашув сиёсий ва дипломатик, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ҳамкорликни назарда тутган ҳолда, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги кўп қиррали шерикликни ривожлантириш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни муҳокама қилишга бағишланди.

Унда икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг юқори даражасини таъминлашда қонун чиқарувчи органларнинг муҳим ўрни, парламентлараро ҳамкорликнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга ижобий таъсири қайд этилди. Шу муносабат билан томонлар иккала парламентда ташкил этилган дўстлик ва ҳамкорлик ассоциациялари ҳамда гуруҳларининг ўзаро алоқаларини фаоллаштириш орқали парламент дипломатиясини изчил кенгайтиришга тайёр эканини билдирди.

Ким Чжин Пхё жорий йил февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатида Корея Республикаси Миллий ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича комиссия йўлга қўйилгани икки мамлакат ўртасида нафақат парламентлараро, балки барча йўналишда шерикликни янада ривожлантириш учун муҳим қадам эканини қайд этди.

Миллий ассамблея Спикери ўзаро тажриба алмашишни кенгайтиришга, жумладан, Ўзбекистонда электрон парламент механизмларини жорий қилишга кўмаклашишга тайёрлигини билдирди.

Учрашувда бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида Корея парламенти Спикерига батафсил маълумот берилди.

Ким Чжин Пхё Ўзбекистондаги конституциявий ислоҳотлар жараёнига юқори баҳо бериб, улар мамлакатнинг бардавом тараққиётини таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган жараёнларда муҳим қадам эканини таъкидлади.

Учрашув якунида қўшма ташаббуслар ва ҳамкорлик дастурларини илгари суришда юқори самарага эришиш мақсадида икки мамлакат парламентлари ва ҳукуматлари ўртасида ришталарни янада кучайтиришга келишиб олинди.

Делегация Жанубий Корея Миллий ассамблеяси фаолияти билан ҳам яқиндан танишди.

## Стратегик шерикликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари кўрилди

Мамлакатимиз делегацияси вакиллари Корея Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Чо Хён Донг билан учрашув ўтказди.

Унда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоҳида стратегик шерикликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, шунингдек, жорий йилда икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлаш доирасида қўшма тадбирларни янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги мулоқот юқори суръатда ўсиб бораётгани мамнуният билан қайд этилиб, бу давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришдан томонлар манфаатдор эканидан далолат бериши айтилди.

Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил декабрь ойида Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи якунлари бўйича эришилган олий даражадаги келишувларни комплекс тарзда ҳаётга татбиқ этишнинг муҳимлиги таъкидланди.

Мулоқот давомида Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида Корея томонига кенг маълумот берилди. Ўз навбатида, Чо Хён Донг бу ислоҳотлар жараёнига ижобий баҳо бериб, улар мамлакат ривожида муҳим аҳамиятга эгалигини қайд этди.

Учрашувда ўзаро савдо ҳажмининг ошиши учун қулай шароитларни шакллантириш, "яшил тараққиёт", рақамлаштириш ва ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш, илмий-техникавий алмашинув дастурларини амалга ошириш, ҳудудлар ва тадбиркорлар ўртасида алоқани фаоллаштириш, касбий таълим йўналишида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

## Президентимизнинг минтақада тинчлик ва юксалишини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари юқори баҳоланди

Делегациянинг Жанубий Кореяга ташрифи доирасида Сеул шаҳрида "Ўзбекистонда конституциявий ислоҳотлар" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад — Жанубий Корея жамоатчилигини Ўзбекистондаги конституциявий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан таништириш ва ушбу масалалар юзасидан фикр алмашишдан иборат бўлди.

Делегация аъзолари томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар, хусусан, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий давлат, ёшлар масалалари бўйича киритиш таклиф қилинаётган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида маърузалар қилинди ҳамда батафсил маълумот тақдим этилди.

Жанубий Корея сиёсий ва эксперт доиралари вакиллари халқаро конституциявий тажриба ҳақида сўз юритиб, шу кунларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ўзгартишлар жараёнини мунтазам кузатиб бораётганини ҳамда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистонда ва Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва изчил тараққиётни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари юқори баҳолади.

Иштирокчилар Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб, бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Хусусан, тадбирда сўзга чиққан Ханьян университетининг Осиё — Тинч океани тадқиқот маркази директори Ум Гу Хо мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар янги Ўзбекистонни барпо этишда энг муҳим қадамлардан бири бўлишини таъкидлади.

Жанубий Корея — Ўзбекистон Бизнес ассоциацияси раисининг биринчи ўринбосари Ким Чанг Кеон Ўзбекистонда Бош қомусга киритиш таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларда хорижлик инвесторлар ҳамда бизнес доиралар вакилларининг ҳақ-ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва уларга янада кенгроқ имкониятлар яратиш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилаётгани Жанубий корейялик ҳамкорлар томонидан мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган сармоялар микдорининг ошишига замин яратишини қайд этди.

Корея Республикаси Президенти ҳузуридаги Шимолий иқтисодий ҳамкорлик бошқармаси бошлиғи Бён Хён Соб Жанубий Корея Ўзбекистоннинг алоҳида стратегик шериги сифатида мамлакатда амалга оширилаётган конституциявий ўзгартишларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирди.

"Корея Республикаси — Марказий Осиё" ҳамкорлик форуми Котибияти директори Ли Чонг Гук Ўзбекистоннинг ривожланиши ва юксалишини таъминловчи ҳар қандай янгиланишни, хусусан, конституциявий ислоҳотларни юқори баҳолашини билдирди. Унинг фикрича, Асосий Қонунга киритилиши таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

## Вазир мамлакатимиздаги ислоҳотлар босқичига ижобий муносабат билдирди

Содиқ Сафоев бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Корея Республикаси давлат қонунчилиги вазири Ли Ван Гю билан учрашди.

Жанубий Корея Давлат қонунчилиги вазирлиги 1948 йилда ташкил этилган бўлиб, давлат қонунчилигини назорат қилувчи ва мувофиқлаштирувчи орган саналади.

Мулоқот чоғида икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида ҳам маълумот тақдим қилинди.

Ўз навбатида, Ли Ван Гю мазкур ислоҳотлар жараёнига ижобий баҳо бериб, бу борада у мамлакат миллий сайлов қонунчилиги ва амалиётини такомиллаштириш, уни умумэътироф этилган халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича қисқа муддатда амалга оширилган тизимли ишлар, хусусан, Сайлов кодекси қабул қилинганини алоҳида эътироф этди.

Учрашувда Корея Республикаси Давлат қонунчилиги вазирлиги билан Ўзбекистон Адлия вазирлиги ҳамда Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти билан алоқаларни кенгайтириш масаласи бўйича ҳам фикр алмашилди.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МАЪРИФИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ ВАТАНИМИЗ, ХАЛҚИМИЗ НОМИНИ УЛУҒЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Дунё тажрибасидан маълумки, мамлакатни тараққий эттиришнинг йўллари, усуллари кўп. Кимдир ишни иқтисодиётни кўтаришдан бошлайди. Биров қишлоқ хўжалигига эътибор қаратади. Тадбиркорликни ривожлантиришни устувор, деб билади. Мантиқан олиб қараганда ҳаммаси ҳам тўғри. Лекин...*

## Таҳлил

Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат бошқарувига келиши билан аввало, таълим тизими равнақига аҳамият қаратди. Ўзбекистон раҳбари мактабгача таълим муассасасидан тортиб, мактаб, ўрта махсус таълим, олий таълим, Фанлар академияси тасарруфидаги илмий текшириш институтларигача тўлиқ қамраб олинган маърифий концепция яратди.

2016 йилда қандай таълим тизими мерос қолган эди? Сони тобора қисқараётган болалар боғчалари, ривожланишда оқсаётган мактаблар, самарасиз касб-ҳунар коллежлари, нотўғри ислоҳотлар натижасида мажруҳ ҳолатга келган университет ва институтлар, ёпилган илмий-текшириш институтлари, кўчага қувилган олимлар, мамлакатда энг кам маош олувчи профессор-ўқитувчилар, мажбурий меҳнатдан силласи қуриган ўқувчилар, ўқитувчилар, талабалар, абгор аҳволга келган таълим даргоҳлари ва халқимизнинг йўқолган ишончи...

Аввало, бу муаммоларни ечиш учун жуда катта маблағ керак эди. Бу ерда икки-уч йилда самарасини кўрсатмайдиган миллиардлар, триллионлар ҳақида гап бормоқда. Лекин Президентимиз қўрқмади. Орқага чекинмади. Таълим тизимини ислоҳ этиш бирламчилик, устуворлик касб этди. Тўғри, ислоҳотлар ҳамма соҳада бошланди. Бироқ бош масала таълим бўлиб қолаверди.

Президент чуқур идрок этарди: заиф таълим тизими билан узоққа бориб бўлмайди. Шу боис янги Ўзбекистон иморатининг таъмал тоши сифатида таълим тизими белгиланди. Зеро, билимсиз одамлар билан янги жамият қурилмайди. Мабодо қурилганда ҳам, у мустаҳкам бўлмайди.

2018 йилда Самарқанд давлат университетига ташриф буюрган Нобель мукофоти лауреати, АҚШнинг Каролина университети профессори Азиз Санжар Ўзбекистонда олиб борилаётган таълим ислоҳотлари ҳақида қизиқди. Мактабларимиз, олий ўқув юртлари ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар, мактабгача таълим муассасаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани, жумладан, Мактабгача таълим вазирлиги тузилганини билиб, айрича ҳаяжон билан сўзлади:

— Президент Шавкат Мирзиёев олий даражада фикрлайдиган, узоқни кўра оладиган маърифатли инсон, энг муҳими, халқини яхши кўрадиган давлат раҳбари экан, — деди у. — Биринчидан, ислоҳотларни таълимдан бошлаганлиги фикримнинг тасдиғидир. Иккинчидан, жуда кўпчилик таълим деганда мактабгача таълимни назаридан четда қолдиради. Аслида, таълимнинг бош бўғини — бу мактабгача таълим муассасаларидир. Мана шу ҳақиқатни англаб етмаганлар кутилган натижага эришолмайди. Президент Мирзиёевнинг таълимга бўлган эътиборини бутун дунё мамлакатлари раҳбарларига ўрнак қилиб кўрсатиш керак...

Мактаб ҳақида ўйлаганимда юрагим оғрирди. Муаллимларга, ўқувчиларга, уларнинг ота-оналарига ачинардим. Нимага? Биринчидан, биз мактаб таълимини иккига бўлиб, болаларимизни мажбурий равишда касб-ҳунар коллежларига ўқишга юбордик. Натижада ҳам таълимдан, ҳам тарбиядан ютқаздик. Президентимиз яна мактаб таълимини синалган, яхши натижа берган ўн бир йиллик тизимга қайтарди.

Мактабларимиз моддий-техника базаси ҳақида гапирмаса ҳам бўларди. Натижада ўқувчилар билими сусайди. Мажбурий меҳнат муаллимлар қаддини эгди. Уларнинг жамиятдаги ўрни, обрў-эътибори пасайиб кетди. Ўқитувчиларнинг баъзилари ишни ташлаб, хорижга бош олиб кетди.

Фақат 2016 йилдан кейингина ўқитувчи, домла, ўқувчи, талаба



бўйнидаги мажбурий меҳнат деган "бўйинтуруқ" олиб ташланди. Биз бунга Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кучли сиёсий иродаси туфайли эришдик.

Муаллимнинг маоши оширилди. Мактаблар аҳволи яхшиланди. Таълим тизимида бир бутунлик, якдиллик тамойиллари шаклланди.

Президентимиз қаерга бормасин, албатта, мактабларни кириб кўради, ўқитувчилар билан мулоқот қилади. Таълим соҳаси фидойиларини қўллаб-қувватлаш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Абдурауф Фитратнинг "Ҳаёт йўлида биринчи масала мактаб масаласидир" деган сўзлари бугун ҳаётда ижобат бўлмоқда.

— Мактабда ишлаганимга салкам қирқ йил бўлди, — дейди Каттақўрғон туманидаги 17-умумтаълим мактаби директори, Халқ таълими аълочиси Ҳақиқат Ҳамроева. — Лекин кейинги беш-олти йилда бутунлай янги мактаб тизими яратилди. Ишонч билан айтаманки, муаллимлар Президентимиздан рози ва миннатдор. Бугун педагоглар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Жамиятимизда муаллимларнинг ўрни ва роли тобора ортмоқда. Маърифий асосга қурилган ҳар қандай жамият мустаҳкам бўлади. Авлодларга хизмат қилади.

Яқин тарихимизда олий таълим соҳасидаги ҳолатни ўйласам, даҳшатга тушаман. Йилдан-йилга қисқартирилган қабул квоталари, ишсиз қолган профессор-ўқитувчилар, қашшоқлашган, олган маоши тушлиги билан йўлкирасига етмайдиган олимлар, парокандаликка юз тутган илмий мактаблар, ёпилган илмий лабораториялар, ҳувиллаб қолган таълим даргоҳлари кўз олдимдан бир-бир ўтади.

Олими хор бўлган мамлакат ҳеч қачон тараққий этмайди, ривожланмайди. Халқ рўшнолик кўрмайди. Буни яқин тарихимизда ўзимиз ҳис этдик, англадик.

2016 йилда Самарқанд давлат университетида талабалар сони 6 мингдан зиёд эди. Беш йилда 30 мингга яқинлашди. СамДУда ўтган 60 йил мобайнида иккита бино қурилган бўлса, кейинги 3 йилда 11 та ўқув ва лаборатория биноси, ётоқхоналар қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Мазкур иншоотлар, асосан, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилмоқда. Бунга изн берилганини ҳамда молиявий имконият туғилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Бугунги кунда университетимизнинг Каттақўрғон ва Ургут филиаллари мавжуд. Шунингдек, Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда Муҳандислик физикаси институтларига бу йил биринчи марта қабул эълон қилинди. Бу Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрлигига яққол далил бўла олади.

Ўқишга йўл берилмаган, имконият қолдирилмаган ёшларга келажак ҳақида гапириш ноўрин. Ўтган даврда бу борада қўпол хатога йўл қўйилган эди. Бугун мамлакатимиз олий ўқув юртлари сони бир бараварга кўпайгани ёшлар руҳини янада кўтарди, орзуларига қанот бўлди.

— Қардош Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган учинчи Ренессансни барпо қилиш ҳаракатини қўллаб-қувватлайман, — дейди Туркиянинг Истанбул университети ректори, профессор Маҳмут Ак. — Ўзбекистон жаҳоннинг энг улуғ алломалари Ватани. Илм-фан бешиги. Бутун турк дунёси фахрланадиган замин. Мен Ўзбекистонда илм-фанга берилаётган эътибор ўз натижасини тез фурсатда кўрсатишига ишонаман. Ўзбекистон яқин вақт ичида турк оламининг илм-фан марказига айланишига шубҳа йўқ. Бунга тўла асослар бор — буюк ўтмиш, маърифий келажак. Университетимиз Самарқанд давлат университети билан яқин, дўстона алоқада. Бизни жуда катта амалий ишлар кутмоқда...

2022 йил 20 июнь куни бўлиб ўтган Конституциявий комиссиянинг йиғилишида Президентимиз Шавкат Мирзиёев янгиланаётган Бош қомусимизга инсон қадр-қимматини янада юксалтирадиган қатор таклифларни илгари сурди. Уларни тинглаб, таҳлил этиб, шундай бир фикрга келдим: янгиланаётган Конституция шу вақтга қадар тўла шаклланмаган миллий ғоямизни такомилга етказишга, шунингдек, мамлакатимизда пойдевори яратилаётган учинчи Ренессанснинг ҳуқуқий, ғоявий, мафкуравий асоси бўлиб ҳам хизмат қилади.

Илм-фанни қадрлайдиган, олимларни эъзозлайдиган мамлакатда маърифий жамият шаклланади. Ватанпарвар, миллатпарвар ёшлар камолга етади. Тарих эъзозланади, бугун бунёд этилади, келажакка ишонч мустаҳкамланади.

Ўзбекистон ўтмишда улуғ олимлари, уларнинг бой мероси билан дунёни ҳайратга солган. Бугун ҳам билимимиз, истеъдодимиз билан оламни забт этиш учун барча имконият ва шароит бор.

Шу ўринда қуйидаги маълумотларни келтириб ўтмоқчиман:

Давлатимиз раҳбарининг "2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида 2022-2023 йилларда олий таълим ташкилотлари томонидан янги ишланма ва технологияларни яратиш ҳамда жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш дастуридан Самарқанд давлат университети профессор-ўқитувчиларининг 10 миллиард 742 миллион сўмлик 18 та лойиҳаси ўрин олди. Мазкур ҳужжатнинг 2023 — 2026 йилларда олий таълим муассасалари томонидан амалга ошириладиган драйвер инновацион лойиҳалари рўйхатига университетимиз олимларининг 12 миллиард 200 миллион сўмлик 5 та лойиҳаси киритилди.

Қайси замонда шунча имконият, маблағ берилган?!

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан яратилган маърифий концепция таълим тизими равнақини янги босқичга кўтариб, Ватанимиз, халқимиз номини янада улуғлашига ишончимиз комил.

**Рустам ХОЛМУРОДОВ,**
**Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ректори, профессор, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИДАН ҚОНИҚДИМИ?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йил биринчи ярим йилликда бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини муҳокама қилдилар.*

Кун тартибидаги масала юзасидан Бош вазир ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж. Қўчқоров маъруза қилди.

Мазкур масала дастлаб қуйи палатадаги барча сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиниб, депутатлар тегишли Ҳукумат аъзоларидан кўтарган саволларига аниқ жавоблар олди.

Таъкидланганидек, Давлат дастури 7 та устувор йўналиш бўйича 100 та мақсад ва 398 та банддан иборат. Дастурнинг жами 607 та яхлит ва кичик бандида назарда тутилган топшириқлардан 215 тасининг ижро муддати 2022 йилнинг февраль — июнь ойлари этиб белгиланган. Шундан 137 та банд ва кичик бандлар тўлиқ бажарилган, 10 тасининг ижро муддати узайтирилган. Қолган бандлар ижроси юзасидан ишлаб чиқилган тегишли ҳужжат лойиҳалари кўриб чиқилмоқда.

Тақдим этилган ҳисоботда келтирилганидек, Президентимиз ва Ҳукуматимиз томонидан геосиёсий вазият билан боғлиқ хатарлар бўйича ўз вақтида кўрилган чоралар натижасида 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 105,4 фоизни ташкил қилди.

Ҳисобот даврида инвестиция дастурлари доирасида 1,7 млрд. долларлик 35 та йирик ва аҳамиятли ҳамда 1,4 млрд. долларлик 4 009 та ўрта ва кичик лойиҳа ишга туширилиши ҳисобига 60,1 мингта янги иш ўрни яратилди. Қолаверса, республика бўйича жами 6,9 млрд. долларлик товарлар ва хизматлар экспорти амалга оширилиб, бу ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 128 фоизни ташкил этди.

Давлат дастурида инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш борасида белгилаб берилган устувор йўналишлар доирасида қатор ишлар бажарилди.

Жумладан, маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш мақсадида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида оила таркибини автоматик тарзда шакллантириш функцияси яратилди.

Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантиришнинг устувор йўналишларида қатор юмушлар уддаланди. Жумладан, педагог-кадрларнинг касб маҳоратини кўтариш ва уларни янги методикаларга ўқитиш мақсадида Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказларида 100 минг нафар, махсус платформа орқали 44 979 нафар ўқитувчининг малакаси оширилди.

Олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш, таълим сифатини ошириш мақсадида қабул параметрини шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби соддалаштирилди. Ушбу жараёнда олий таълим муассасалари ваколати кенгайтирилиб, уларга академик ва молиявий мустақиллик бериш тартиби жорий қилинди.

Парламентга тақдим этилган ҳисоботда келтириб ўтилганидек, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, тиббий хизматларни марказлаштириш ва аҳолини тиббий суғурталаш амалиётини жорий қилиш мақсадида 76 та оилавий шифокор пункти, 20 та оилавий поликлиника ҳамда 505 та маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилди. Бу орқали 1,8 млн. нафар аҳолига ўз яшаш жойида бирламчи тиббий-санитария хизмати йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, 208 та кўп тармоқли туман марказий поликлиникалари ҳамда Тошкент шаҳридаги 70 та оилавий поликлиникада болалар бўлимлари очилиб, болаларга тиббий хизмат яқинлаштирилиши баробарида, болалар шифохоналарида иш юкламасининг камайиши ҳисобига тиббий хизмат сифати оширилмоқда.

Ҳисобот даврида 644 мингдан зиёд ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар "аёллар дафтари"га киритилгани ҳолда, уларга кўрсатиладиган 41 турдаги хизматлар тўплами жорий қилинган. Ушбу "дафтар"га киритилган хотин-қизларнинг 68,6 фоизига амалий ёрдамлар кўрсатилиб, 156 минг 515 нафар хотин-қиз касбларга, тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилди ва уларнинг бандлиги таъминланди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, интилишларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, таълим олиши, касб-ҳунар ўрганиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва бандлигини таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Хусусан, республикадаги 9 минг 348 та маҳаллада "ёшлар баланси" шакллантирилди. Уни юритиш тўлиқ рақамлаштирилиб, ишга туширилган электрон платформа давлат органлари ахборот тизимларининг 19 турдаги маълумотлар базаси билан интеграция қилинди. Натижада электрон платформага киритилган ёшлар тўғрисидаги маълумотларни инсон омилисиз доимий янгилаб бориш имконияти яратилди.

Ж. Қўчқоровнинг таъкидлашича, мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 баравар қисқартириш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада норасмий ишлаётган 450 минг нафар фуқаронинг бандлигини легаллаштиришга ёрдам бериш орқали уларнинг ижтимоий кафолат ва имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш чоралари кўрилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган — жамиятда камбағаллик ва ишсизликка барҳам беришни кўзда тутувчи, аҳолининг энг қийналган, шароити оғир қатламини қамраб олувчи "темир дафтар", "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари" каби "дафтар"лар мазмун-моҳиятига кўра, жуда содда ва самарали усул экани аллақачон исботланди. Унинг бераётган ижобий ҳосилаларини "темир дафтар"га киритилган 652,6 минг оиладан 605 мингтаси касб-ҳунарга ўқитилгани, тадбиркорлик фаолиятини бошлашига кўмаклашилгани туфайли оилавий шароити яхшиланиб, "темир дафтар"дан чиқарилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Муҳокамалар жараёнида депутатлар ҳисобот даврида қилинган ишларни эътироф этган ҳолда, Давлат дастурининг айрим бандлари ижроси бажарилиши кечикаётгани, белгиланган вазифалар ҳозирга қадар таъминланмаганига алоҳида эътибор қаратди.

Тақдим этилган ҳисобот, унда келтирилган ҳар бир рақам ва таҳлиллар депутатлар томонидан атрофлича кўриб чиқилиб, Давлат дастурининг 2022 йил биринчи ярим йилликдаги ижросига оид ҳисобот юзасидан ҳар бир сиёсий партия фракцияси ўз нуқтаи назарини, фикр-мулоҳаза ва таклифларини баён қилди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастури ижроси юзасидан тақдим этган ҳисоботи маъқулланиб, Ҳукуматнинг тегишли фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар акс этган тегишли қарор қабул қилинди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.**

# «АЁЛЛАР ДАФТАРИ»

## Янги Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар муаммоларининг ўзига хос ечими

1

### «Ҳаракат қилган одам барча қийинчиликни енгади»

— Юртимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш ишларини янги босқичга олиб чиққан "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"ни юритиш амалиётининг йўлга қўйилиши, айниқса, эҳтиёжманд хотин-қизлар ва ёшлар турмуш тарзида туб ўзгаришлар ясаганига ўз ҳаётим мисолида гувоҳ бўлдим, — дейди Булунғур туманида яшовчи Наргиза Исаева. — Мен ҳам "аёллар дафтари" рўйхатида эдим. Турмуш ўртоғим вафот этгач, 5 нафар болам ташвиши ёлғиз ўзимга қолди. Томорқада бодринг, помидор, қулупнай етиштиришни йўлга қўйдик. Бу ишларим туман ҳокимлиги, оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан қўллаб-қувватланди.

Дастлаб кам таъминланган аҳоли учун яратилган имкониятлардан фойдаланган ҳолда, банкдан 32 миллион сўм имтиёзли кредит олиб ишни бошладим. Томорқамизда фарғоналиклар тажрибаси асосида узумзор ташкил этиб, "Ризаматота" навини экдик. Ўғилларимни қаватимга олиб, дастлабки йилларда узум парваришлаш агротехник тадбирларини мутахассислар маслаҳатига таяниб олиб бордик. Мана, ҳозир узумзоримизда ҳосил чўғи ёмон эмас. Насиб этса, даромадга бир ўғлимни уйлантираман, ортиб қолса янги уй соламан. Бундан ташқари, помидор, бодринг, картошка, қулупнай етиштирамиз. Бешта иш ўрни яратганмиз.

Ўтган йили қишлоқ хўжалигида ўғит ҳисобланадиган 9 миллион сўмлик Калифорния ёмғир чувалчангини харид қилиб, кўпайтиришни йўлга қўйган эдик. Табиатан тез кўпаядиган чувалчанглар маҳалла аҳолиси, тадбиркорларга пешма-пеш етказиб берилмоқда. Натижа ҳам ёмон эмас. Жорий йилнинг ўзида Калифорния чувалчангидан 100 миллион сўмдан ортиқ соф даромад олдик.

Бир қишлоқ аёли бугун тадбиркорга айлангани — юртимизда инсон қадри улуғлигидан, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ўз имконияти ва салоҳиятини кўрсатиши, ривожлантириши учун барча шароит яратиб берилаётганидан далолатдир.

Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида истиқомат қилувчи Дурдона Шерматованинг тўрт фарзанди (икки ўғил, икки қиз) бор. Ҳаётда қийналиб қолгани боис (ойлик маош етмас, шароитлар йўқ эди) маҳалла хотин-қизлар фаолига мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Шундан сўнг маҳалла фаолининг ёрдами билан Дурдона Хотин-қизлар тадбиркорлик марказида ўқиди. Оила ва хотин-қизлар бўлими кафиллигида банкдан 33 миллион сўм кредит олиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Шу тариқа ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлди.

У айни дамда ўз уйида туриб яримтайёр маҳсулотлар тайёрламоқда. Маҳсулотларига талаб катта: норин, қовурдоқ, ҳасип, юпқа, лағмон тайёрлаб беради.

Мижозлар маҳсулотларни уйидан олиб кетишади. Кейинги пайтларда харидорларни овора қилмаслик йўлини ҳам топишди — етказиб бериш йўлга қўйилди.

— Ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ экан. Тушкунликка тушганимда оила ва хотин-қизлар бўлими вакиллари ёнимда турди. Улар ўзимни эплаб олишимда далда бўлишди. Ва шу тариқа ишларим юришиб кетди. Ҳаракат қилган одам барча қийинчиликни енгишига ишондим. Айни чоғда ўзимнинг "Telegram" каналим бор. "Ҳаракатда баракат" деб тўғри айтишган экан, — дейди Дурдона Шерматова.

Мўъжазгина ҳовлини кўздан кечирамиз: иссиқхонаси бор, бу ерда қулупнай экилган. Айни дамда қулупнай кўчати етказиб берилаётган экан.

Қарангки, таъбир жоиз бўлса, одамларга тайёр балиқ эмас, қармоқ бериб, балиқ овлашни ўргатиш қандай натижалар беришини бир аёл тимсолида кўряпмиз.

Асосийси, Дурдонада аввалги иложсизлик, тушкунликдан асар ҳам йўқ. Энди у маррани катта олган. Мақсади — дўкон очиб одамларга янада кўпроқ хизмат кўрсатиш.

### Ҳаётдан нолиш билан муаммолар ҳал бўлиб қолмайди

Гулистон шаҳрида фаолият юритувчи "Моҳир аёллар" тикувчилик корхонаси раҳбари Манзура Жиянова бир пайтлар банклардан бирида ишлаб юрган эди. Аммо молиявий айблар билан озодликдан маҳрум қилинди. Аёллар колониясига кетаётганида фарзанди бир ярим ёшда бўлиб, қайтиб келганида мактабда ўқиётган эди. Турмуш ўртоғи оилани сақлаб қолишга уриниб ҳам кўрмади.

Колониядан қайтгач, "аёллар дафтари"да турса-да, тадбиркорлик билан шуғулланишга қарор қилди. У томонларда тикувчиликни ўрганиб олгани асқатди.

Аввалига иккита тикув машинаси билан иш бошлади. Қараса, ишлар яхши кетяпти. Шунда ҳеч ўйлаб ўтирмай оила ва хотин-қизлар туман бўлимига мурожаат қилди. Уларнинг ёрдами билан Хотин-қизлар тадбиркорлик марказида малака оширди.

Сўнг оила ва хотин-қизлар туман бўлими кафиллиги билан банкдан 33 миллион сўм кредит олди. Фаолиятини иккита тикув машинаси билан бошлаган Манзуранинг ишлари кўп ўтмай



ривожланиб кетди. Ва маҳаллама-маҳалла юриб корхона учун ишчилар қидириб топди. Имконияти чекланган аёлларни ҳам ишга жалб қила бошлади.

Айни дамда унинг "Моҳир аёллар" корхонасида 125 нафар аёл меҳнат қилмоқда. Манзура келажакда ишчи-ходимлар сонини 500 нафарга етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Корхонанинг асосий биносида 60 нафар аёл фаолият юритади. Уларнинг кўпчилигини "аёллар дафтари"да рўйхатда турган хотин-қизлар ташкил қилади. Иш икки сменада йўлга қўйилган. Ишга бориб-келувчилар учун транспорт ажратилган, тушлик бепул.

Бундан ташқари, имконияти чекланган аёллар ўз уйларида меҳнат қилишади. Айни дамда уларнинг ишлаши учун 25 та хонадонда имконият яратилган. Асосийси, маҳсулотларни етказиб бериш ва тайёр маҳсулотларни олиб кетишда узилиш бўлмаса бас. Бешта бичимда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, асосан, Россия, Қозоғистонга экспорт қилинмоқда.

— "Аёллар дафтари"нинг биринчи босқичида бўлган экансиз. Маҳалладан тайёр ёрдам олиб тургансиз, шундай экан, ёрдам олишда давом этаверсангиз бўлмасмиди? — ўсмоқчилаб сўрайман Манзура Жияновадан.

— Тани-жоним соғ, билагимда кучим бўлса, токайгача маҳалладан ёрдам кутишим мумкин? Бунга ғururим йўл қўймайди, — жавоб берди у.

Дарҳақиқат, ҳаётдан нолиш билан муаммолар ҳал бўлиб қолмайди. Тадбиркор аёл бугунги кунда оиласини тиклаш ниятида. Шу билан бирга, фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида турли лойиҳа ва грантларда иштирок этмоқда.

### Маҳсулотлари водий бозорини эгаллаб, энди Хоразмга чиқяпти

Бугун бу аёлга ҳавас қилувчилар кўплаб топилади. Чунки ана шу нозик хилқат вакилларига хос ушбу аёлнинг юзларидан нур, оёқларидан ўт чақнайди.

Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги Беруний номидаги маҳаллада яшовчи уч фарзанднинг онаси Иродахон Юнусова икки ой аввал "аёллар дафтари"да эди.

Иродахон тикувчиликдан яхшигина бохабар эди. Тижорат банкидан ажратилган 25 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига 5 та замонавий тикув машинаси харид қилади. Шу тариқа ўз юмушини кенгайтириб, аста-секин даромадини ҳам кўпайтира бошлайди. Ёнига яна 5 нафар ишсиз маҳалладош қизларни олиб, чақалоқлар кийимидан тортиб ёши катта аёлу эркаклар либосларини тикяпти.

Ҳозир у махсус дафтар рўйхатидан чиққан. Харидоргир, сифатли кийим-кечакларини Андижону Наманган, ҳатто Хоразмгача етказиб бермоқда.

— Барчаси қунт ва ҳалол меҳнатга боғлиқ. Шукр, олаётган даромадимиз ёмон эмас. Кузда камзул ва курткалар тикишга ўтамиз. Кейинчалик эса тикув цехи очиш ниятидамиз, — дейди тикувчи.

Наргизахон Эргашева шу маҳалланинг Туркистон кўчасида истиқомат қилади. Икки ой олдин "ёшлар дафтари" рўйхатида турган Наргизахон бугун уддабурон ишбоши. Бичиш-тикишнинг ҳадисини 12 йил аввал олган ёш тикувчи "Агробанк"нинг имтиёзли кредити асосида 7 та тикув машинасига эга бўлди. Оиласининг ўзида 5 киши шу иш билан банд, маҳалладошларидан эса 9 нафар аёл-қизни ўз ёнига олган. Аёллар ва ёш қизчаларга тикаётган кўйлакларига буюртмалар кўп.

— Онам бошчилигида уйда шогирдларим билан кийимларни тайёр ҳолатга келтирамиз, дадам эса Қўқон бозорида уларни сотишга ёрдамлашади. Маҳсулотларимиз юртимизнинг кўплаб вилоятларига етиб боради, лекин асосий буюртмачиларимиз қўшни Қирғизистоннинг Ўш ва Бишкек шаҳарлари ҳамда Қозоғистондан, — дейди моҳир тикувчи.

Укаси Худоёрхон ҳам иш юритишда асосий кўмакчи, қолаверса, у ҳам ҳар қандай матодан яхшигина кийим-кечак тика олади.

Унинг таъкидлашича, бир тикувчи кунига 20 тагача кўйлак тика олар экан. Аёллар кўйлагининг бозордаги ўртача нархи 70 — 80 минг сўмни ташкил этади. Унча-мунча қўли келиб қолган 6 нафар шогирдига 600 минг сўмдан иш ҳақи ҳам бериб туради.



### «Бу дафтарга кириш эмас, ундан чиқиш муҳим»

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида яшовчи Дилафрўз Хуррамова ишсиз ва ҳунарсизлиги боис "аёллар дафтари"да қайд этилган эди. Шундан сўнг у тикувчилик йўналишида давлат кўмагида бепул ўқиб, ҳунарли бўлди.

Энг қувонарлиси, Дилафрўз Шаҳрисабз шаҳридаги "Садо" масъулияти чекланган жамиятининг тикувчилик фабрикасида имтиҳондан ўтиб, чеварликка қабул қилинди.

— Аслида "аёллар дафтари"га кириш эмас, ундан чиқиш муҳим, — дейди Дилафрўз Хуррамова. — Тўғри, ишсиз, ҳунарсиз эдим. "Аёллар дафтари"да қайд этилганимдан сўнг, қисқа курсда ҳунар ўрганиб, тикувчилик фабрикаси ишчисига айландим. Турли футболкалар тикамиз. Меҳнатга яраша яхшигина маош оляпмиз, дастурхонимиз бут.

"Садо" МЧЖ тикувчилик фабрикасида бугунги кунда 250 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. Мазкур корхонада 15 турдаги трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Бугунги кунга келиб қалб қўри, меҳрига пайваста тикилган либослар харидоргир. Улар Россия ва бошқа хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда. Дилафрўз Хуррамова ҳам ана шу нуфузли тикувчилик мажмуасининг тўлақонли аъзоси ва моҳир тикувчиси сифатида бугун обрў-эътибор топмоқда.

Муҳими, мамлакатимизда ишсиз ва ҳунарсиз хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш тизимининг жорий этилгани минглаб кам даромадли оилаларга қут-барака олиб кираётгани ва камбағалликни қисқартиришда қўл келаётгани Дилафрўз Хуррамова каби аёллар тимсолида яққол намоён бўлмоқда.

### «Имконияти чекланган опа-сингилларимга ёрдам қўлини чўзсам дейман»

— Ижтимоий кўмакка, мададга муҳтож ҳамюртларимиз ҳам борки, давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракати ва олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати натижасида имконияти чекланган, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган бундай инсонларга ҳаётда, жамиятда ўз ўрнини топиши учун ҳар томонлама кўмак берилмоқда, — дейди Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги "Боғишамол" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Дилобар Анорбоева. — Масалан, мен ҳам яқин-яқингача бир ишнинг бошини тута олмай келдим. Турмуш ўртоғим ҳам ишсиз, тўрт фарзанднинг, рўзғорнинг кам-кўсти олдида кўпинча чорасиз қолардик.

Яшириб нима қилдим, қора қозон бир кун қайнаса, бир кун қайнамас эди. "Аёллар дафтари" рўйхатига киритилганимдан сўнг маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари мендан режа-мақсадларимни сўради. Хонадонимизда чорвачилик билан шуғулланишимиз мумкинлигини айтдим ва улар кўмаклашишга ваъда берди. Кўп ўтмай, айнан маҳалла кўмаги, қўллаб-қувватлаши билан 33 миллион сўмлик имтиёзли банк кредитини олиб, чорвачиликни йўлга қўйдик. Болаларнинг оғзи оққа тегди, рўзғоримизга барака кирди.

Турмуш ўртоғим билан ҳозирги кунда томорқамизда иссиқхона ҳам ташкил этяпмиз. Хуллас, тадбиркорлик фаолиятимизни кенгайтиришни, ривожлантиришни қатъий мақсад қилганмиз.

Ҳа, дарвоқе, айни пайтда "аёллар дафтари"дан чиққанман. Тақдирнинг иноятини қарангки, энди ўзим иш ўринлари яратиб, кам таъминланган, имконияти чекланган опа-сингилларимга ёрдам қўлини чўзсам дейман.

Энг муҳими, бу сабр билан қилинган ҳалол меҳнат ва шукроналик маҳсули.

Юртимизда аёлларга эътибор юксалмоқда, имкониятлар берилиб, қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланаётган хотин-қизлар рўзғори бутлигини таъминлаш билан бирга, янги-янги лойиҳаларга қўл уриб, тадбиркорлик борасида ҳам ўзини синаб кўрмоқда.

Хусусан, давлатимизнинг ижтимоий кўмаги орқали минглаб опа-сингилларимиз ҳаётда ўз ўрнини топиб, турмуши фаровонлашиб, жамиятнинг ўзига тўқ ҳамда ижтимоий фаол оилаларига айланишаётир.

Аҳамиятлиси, "аёллар дафтари"нинг учинчи босқичини ўз вақтида ва юқори савияда ўтказишга жиддий эътибор қаратилаётгани, барча туман ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда хонадонма-хонадон юриб, анкета-сўровномаларни ўтказиш орқали хотин-қизлар муаммолари ўрганилаётгани бунда бош омил бўлиб хизмат қиляпти. Айниқса, биринчи ва иккинчи босқичда бўлгани каби 9 минг 277 та маҳалланинг ҳар бирида биттадан ишчи гуруҳи иш олиб бормоқда. Бу эса ўрганишлар жараёнида бирорта ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қиз эътибордан четда қолмаслигини англатади.

Хўш, "аёллар дафтари", умуман, бундай кучли ижтимоий йўналтирилган лойиҳалар оддий одамларга нима берди? Энг аввало, одамлар ҳаётига оид ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, керак бўлса, маънавий муаммолар бўйича эътироф этилмоқда. Наинки МДҲ давлатлари, балки жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ҳам учрамайдиган бу ижтимоий лойиҳа камбағалликни қисқартириш сари ташланган дадил қадамдир, десак, муболаға қилмаган бўламиз.

**Фазлиддин АБИЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**



Муносабат

# ЮҚОРИ ПАЛАТАНИНГ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИДАГИ РОЛИНИ ОШИРАДИ

*Куни кеча Конституциявий комиссия Матбуот хизмати томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 83-моддасига, яъни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари рўйхатини кенгайтириш бўйича Конституциявий қонун лойиҳасига таклиф киритилганлиги эълон қилинди.*

Бунда мавжуд субъектлар қаторига, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (юз мингдан кам бўлмаган), Олий Мажлис Сенати, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман), Судьялар олий кенгаши ва Марказий сайлов комиссияси ҳам киритилмоқда.

Ушбу моддага эътибор қаратилганлиги, албатта, бежиз эмас. Чунки қонунчилик ташаббуси қонун ижодкорлиги жараёнининг биринчи босқичи бўлиб, кўпгина мамлакатларда парламент аъзолари ва ҳукумат қонунчилик жараёнининг энг фаол ташаббускори ҳисобланади. Баъзи мамлакатларда ҳар қандай парламент аъзоси ушбу ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин, аммо амалда улар камдан-кам ҳолларда фойдаланади. Тўғридан-тўғри юқори палаталар аъзоларига ушбу ҳуқуқ Буюк Британия, Ирландия, Италия, Руминия ва Францияда берилган. Франция қонунчилигига кўра, депутат ёки сенаторлар қонунчиликка таклифни ўз палатаси қўмитасига тегишли тартибда киритади. Шунга ўхшаш тамойил бошқа парламентларда ҳам қўлланилади.

Испания, Польша ва Чехия каби Европа унитар давлатлари юқори палаталари ҳам қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Беларусь Конституцияси 99-моддасига кўра, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи бошқа ташкилотлар қатори, Республика кенгаши (юқори палата) ва Вакиллар палатаси (қуйи палата) томонидан амалга оширилади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасида қуйи палатанинг ўзи (бутун таркибда назарда тутиляпти) қонунчилик ташаббуси билан чиқа олмайди, аммо бундай ҳуқуқ бутун юқори палатага берилиши мумкин, бундан ташқари, сенаторлар ҳам якка, ҳам гуруҳда (комиссия ёки фракция таркибида) қонунчилик ташаббусидан фойдаланиши мумкин. Худди шундай тажриба Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам мавжуд бўлиб, унга мувофиқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи Олий Мажлис Қонунчилик палатасига эмас, балки депутатларига берилган ва Конституциявий қонун лойиҳасида таклиф этилаётган моддага мувофиқ бундай ҳуқуқ Олий Мажлис Сенатига берилмоқда. Бу бевосита, бугунги кунда юқори палата томонидан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий соҳалардаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг ечими бўйича ташаббуслар илгари суриш имконини беради.

Икки палатали парламентнинг қарийб 20 йиллик фаолияти шуни кўрсатмоқдаки, Сенат ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида қонунларни мувофиқлаштириш юзасидан таклифларни қонунчилик ташаббусига эга бўлган органларга киритиб боришга мажбур. Ушбу таклифларни мазкур органлар томонидан кўриб чиқиш ва натижалари ҳақида қарор қабул қилишнинг қонуний тартиби эса мавжуд эмас.

Ўз ўрнида Қонунчилик палатаси билан Сенат биргаликда олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга ошириши белгиланган бўлса-да, қонунчилик соҳасидаги дастлабки ваколат — қонунчилик ташаббуси Сенатда мавжуд эмас.

Қонунчилик палатаси қонунларни қабул қилишда сиёсий ва ўз электорати манфаатларидан келиб чиқади. Сенат эса қонунларни умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар нуқтаи назаридан кўриб чиқади.

Шу боис Сенатга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини бериш қонунларни қабул қилишнинг амалдаги механизмига тўсқинлик қилмайди.

Бу таклиф давлат ҳокимияти ваколатлари тақсимланиши принципига, яъни учта ҳокимиятнинг мувозанатини, тенглигини ҳамда уларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туришини ва қарама-қарши таъсир этишини таъминловчи тизимга салбий таъсир кўрсатмайди.

Шу ўринда яна бир масалага тўхталиб ўтиш лозим. АҚШ, Франция, Испания, Австралия, Польша, Чехия, Ҳиндистон, Қозоғистон ва бир қатор илғор хорижий мамлакатлар парламентлари юқори палаталари фаолияти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, улар қуйи палата киритган қонунларни нафақат маъқуллаш ёки рад этиш, балки уларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ваколатларига ҳам эга. Бундай тажриба тизимини Ўзбекистон қонунчилигида ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Чунки Олий Мажлис Сенатига Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқининг берилиши қонун ижодкорлиги жараёни енгиллашуви, қонунларни ҳудудий манфаатлардан келиб чиқиб такомиллаштириш имконини беради. Бундай ҳуқуқ берилиши, етарли асос мавжуд бўлгандагина, қонунларни рад этиш бўйича таклифларни тайёрлаш имконини яратади ва натижада қонунларнинг сифатли тарзда қабул қилинишига йўналтирилган демократик жараён шаклланишига олиб келади.

Шу муносабат билан, Конституциявий қонун лойиҳасига берилган таклиф билан Олий Мажлис Сенатига қонунчилик ташаббусининг берилиши қонунларни кўриб чиқиш тартибини янада такомиллаштириш, юқори палатанинг қонун ижодкорлигидаги роли ва ташаббускорлигини ошириш учун шароит яратиб беради.

**Беҳзод ТЎХТАМУРОДОВ,**
**Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси.**

# БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

*Юртимизда ҳар бир бола ҳеч кимдан кам бўлмай таълим-тарбия олиши учун зарур шароитлар яратилган. Айниқса, ногиронлиги бор, кўнгли ярим болажонлар ҳар доим давлатнинг, жамиятнинг эътиборида.*

Фикр

Буни биргина имконияти чекланган, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тарбия муассасаларини тамомлагандан кейин уларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш бўйича мутлақо янги тизим яратилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тегишли ҳуқуқий база шаклланган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, Меҳнат ва Жиноят кодекслари ҳамда бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид нормалар ўз ифодасини топган.

Аммо бола ҳуқуқлари соҳаси шундай тизимки, давр ва вақт ўтган сари янги-янги ўзгаришлар, қўшимчалар киритилмаса, ҳуқуқни рўёбга чиқаришда муаммолар юзага келаверади. Бу борада ҳозирги кунда умумхалқ муҳокамасида бўлган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасида янги нормалар акс этаётгани қувонарлидир.

Жумладан, қонун лойиҳасининг 64-моддасида ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз болаларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълими, соғлом, тўлақонли ҳамда уйғун камол топиши тўғрисида қайғуриши, давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқишни, тарбиялашни, уларнинг соғлом, баркамол ривожланишини ва таълим олишини таъминлаши, ушбу йўналишдаги хайрия фаолиятини рағбатлантириши мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Бу эса давлат болаларни ҳар доим қўллаб-қувватлайди, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, етим болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилади, уларнинг таълим олиши, соғлиғини сақлаш, ҳаётга мослашишига ҳуқуқий шароитлар яратади, дегани.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизими тобора такомиллашиб бормоқда. Конституциямизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар, шубҳасиз, фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом, ҳур фикрли авлод сифатида камол топишига хизмат қилади.

**Қаҳрамон ЭРГАШЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

*Тарих гувоҳ, қаердаки илм аҳлига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг заҳматли меҳнати қадрланса, муносиб шароит яратилса, ўша жойда илм-маърифат, фан ва таълим гуллаб-яшнаб, буюк ўзгаришларга асос бўлган. Бунга икки Уйғониш даврига бешик бўлган заминимизда жонли мисоллар кўп. Жаҳондаги энг қадимий илмий масканлар айнан юртимиз ҳудудида бунёд этилгани шундай дейишимизга асос бўла олади.*

*Дарҳақиқат, дунёда минг йиллик тарихга эга илмий муассасалар, таъбир жоиз бўлса, бармоқ билан санарли. Хоразм Маъмун академияси ана шундай юксак мақомга эга илмий даргоҳлардан бири эканлиги халқимиз қалбида алоҳида ифтихор уйғотади. Зотан, бу азал-азалдан илмга ошуфта, олиму фозилларга муҳиб бўлганимиздан, илм-фан ҳомийлари кўплигидан далолатдир.*

*XII — XIV асрларда юртимизга ташриф буюрган араб сайёҳлари — Ёқуб Ал Хамавий, Ибн Батута дунёдаги ҳеч бир ўлкада Хоразмдагидек олижаноб, маърифатпарвар, ҳунарманд, меҳмондўст элни кўрмадим, деб ёзганида минг карра ҳақ эди.*



**Бакриддин ЗАРИПОВ, академик, Халқаро физиологлар жамияти академиги, Рим (Италия) университети фахрий профессори.**



**Икром АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Фанлар академияси минтақавий бўлими раҳбари, Хоразм Маъмун академияси раиси, биология фанлари доктори, профессор.**

## Нуқтаи назар

### Илк тамаддун ҳомийси

Тарих чиғириқларидан омон ўтиб, жаҳон илм-фани тараққиётига беназир ҳисса қўшиб келаётган Хоразм Маъмун академияси қачон ва ким томонидан ташкил этилгани ҳамон дунё илмий жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотади.

...995 йили Гурганж амири Маъмун I ибн Муҳаммад ибн Ироқ африғийлар сулоласига барҳам бергач, пойтахтни Катдан Гурганжга кўчиради ва ўзини Хоразмшоҳ деб эълон қилади. Табиийки, Хоразмда рўй берган сиёсий ўзгаришлар барқарорликка путур етказмай қолмайди. Бунинг оқибатида кўпгина олимлар, жумладан, Беруний ҳам Хоразмни тарк этишга мажбур бўлади. Беруний дастлаб қисқа муддат Бухорода, сўнг Эроннинг Рай шаҳрида, кейин Каспий денгизининг Жануби-Шарқий қирғоғидаги Гургон шаҳрида яшайди. Беназир аллома 1004-1005 йиллардагина Хоразмга қайтиб келишга имкон топади. Сабаби 998 йили Маъмун I ибн Ироқ вафот этиб, унинг ўрнига ўғли Али ибн Маъмун ўтиргандан кейин Хоразмдаги сиёсий аҳвол барқарорлашади, сарой ва амалдорлар орасида осойишталик ҳукм суради.

Али ибн Маъмун мураккаб сиёсий муҳитда доно ва зукко илм соҳибларию маслаҳатчиларга муҳтож эди. Унинг бахтига тоғаси Абу Наср ибн Ироқ ўз даврининг ўта билимдон олими ва сиёсатчиси сифатида танилганди. Унинг фалакиётга доир илмий асарлари туфайли “Батлимуси соний” (“Иккинчи Птолемей”) деган фахрий номга лойиқ кўрилгани ақлу закоси нақадар юксаклигини англатиб турибди, албатта. Бундан ташқари, Абу Наср Берунийни ўзига муносиб шогирд сифатида тарбиялаб камолга етказганди.

Беруний Абул-Аббос Маъмун II ибн Маъмун (997 — 1017 йиллар) томонидан мамлакатнинг янги пойтахти Гурганжга олиб келинади. Ёқут Ҳамавийнинг ёзишича, Хоразмшоҳ Берунийга ўз саройидан жой беради ва уни олим сифатида жуда иззат-икром қилади. Бинобарин, шу тариқа Маъмун II фан ва адабиёт ҳомийси сифатида тилга тушади, Гурганжда илмий марказ барпо этгач, унинг шуҳрати янада ортиб кетади.

Чиндан ҳам, Абу Наср ибн Ироқ ҳамда Берунийнинг саъй-ҳаракатлари туфайли саройда илм аҳли учун қулай шароит ва илмий муҳит яратилади. Бу икки илм-фан фидойилари Яқин ва Ўрта Шарқдаги кўплаб олимлар, жумладан, Ибн Сино билан ҳам мактублар ёзишиб, илмий мулоқотда эди. Уларнинг таклифи билан 1004 йилдан бошлаб Нишопур, Балх, Бухоро, ҳатто араб диёридан ҳам олимлар Гурганжга кела бошлайди. Шу тариқа 1004 йили Гурганжда “Дорул ул ҳикма” номини олган илмий муассаса — академия, яъни ҳозирги Хоразм Маъмун академияси ташкил қилинади.

Ушбу даргоҳда Беруний, Ибн Сино, Абу Мансур ибн Ироқ, Абу Саҳл Масиҳий, Абул Хайр ибн Ҳаммор, Абу Мансур ас-Салобий, Абу Али ибн Мисковайҳ, Абдулҳаким Муҳаммад ибн Абдулмалик ас-Солиҳ, Ал-Хорожий, Ал-Ҳамдамкий, Абу Абдуллоҳ ал-Бийан ал-Найсабурий, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Суҳайлий ал-Хоразмий, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саҳрий, Маҳмуд Ҳамид ибн Хидр ал-Хўжандий каби кўплаб фан намояндалари илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Ибн Сино Гурганжга келганида амир Али ибн Маъмун ҳузурига боради. *“Мен фиқҳлар (ҳуқуқшунос) кийимида эдим. Қўлимда тасбеҳ, эгнимда кенг чопон ва бошимда энгагимга боғланган катта салла эди. Мен учун ва менга ўхшаганларга етарлича миқдорда ойлик тайин қилинди”,* деб эслайди Ибн Сино ўзининг таржимаи ҳолида.

Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун саройида қабул қилинган Абу Али ибн Сино кўпгина амалдорларда яхши таассурот қолдиради. Айниқса, у вазир Абдулҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Суҳайлий ал-Хоразмийдек олим билан дўст тутинади. Вазир фақат давлат амалдоригина эмас, балки нозик табиатли ва билимдон киши, илм аҳлини жуда эъзозловчи мурувватли инсон ҳам эди. Вазир эътиборида бўлган Ибн Сино ўз даврининг ҳамкасблари бўлмиш “Дорул ул ҳикма”да фаолият кўрсатаётган Абул Хайр ибн Ҳаммор, Абу Абдуллоҳ Ироқий, Абу Саҳл Масиҳий, Абу Мансур Қамарий билан ҳамкорликда фаолият олиб боради. Пировардида у математика, астрономия, иқлимшуносликка оид китоблардан ташқари, тиббиётга доир 8 та асар ёзади. Улар орасида “Тиббиётга доир юз масала”, “Тиббиёт асослари”, “Умумий тиббиёт ҳақида китоб”, “Чечак ҳақида”, “Вабо ҳақида” номли китоблар, шунингдек, алломанинг шоҳ асари бўлмиш машҳур “Ал-қонун-фит-тибб” (“Тиб қонунлари” ва “Китоб аш шифо”нинг дастлабки қисмлари) ҳам Хоразм заминида яратилган.

Маълумки, Берунийнинг доришуносликка бағишланган “Китоб ас-Сайдана фит-тиб” (“Тиббиётда Сайдана ҳақида китоб”) асари Марказий Осиёда ўсадиган доривор ўсимлик ва гиёҳларнинг тавсифини тўла очиб берган. Мазкур қомусий асар Ибн Синонинг илмий изланишларида беқиёс роль ўйнаган. А. Аренде, М. Салье каби дунёга машҳур шарқшунос олимлар “Тиб қонунлари”нинг йигирма йил давомида ёзилганини қайд этишар экан, Ибн Синога Хоразмда яратилган шароит, Беруний ва бошқа етук олимлару табиблар билан фикр алмашувлар, мулоқотлар бебаҳо асар дунёга келишига туртки бўлганини эътироф қилишган.

Нафсиламрини айтганда, Гурганжда ташкил қилинган “Дорул ул ҳикма” дунёдаги дастлабки академиялардан бири, Хоразмшоҳ Абу Ҳасан Али ибн Маъмун эса илк тамаддун ҳомийси бўлди. Адолатпарвар ва маърифатпарвар шоҳ томонидан Гурганжда жам бўлган юзлаб алломалар шуҳрати, уларнинг бебаҳо илмий-услубий китоблари ўз даваридаёқ узоқ ўлкаларга тарқалди. Зеро, Ернинг шарсимон экани ҳақидаги ғоя илгари сурилиб, глобус яратилди. Ер радиуси илм билан исботланди. Тиббиётнинг, алгебра фанининг тамал тоши қўйилди. Шаҳарсозлик, меъморлик соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар дунё аҳлини лол қолдирди. Шу тариқа Марказий Осиёда IX — XII асрлар Уйғониш даври маданияти шаклланиб, равнақ топган давр сифатида тарих саҳнасидан жой олди.

### «Оққан дарё оқмай қолмас»

Халқимизда “Оққан дарё оқмай қолмас”, деган пурмаъно ҳикмат бор. Зотан, заминимизда хоразмшоҳ маъмунийлар сулоласи томонидан илм-маърифатга очилган ирмоқ вақт келиб, темурийлар даврида улкан дарёга айланди. Унинг зилол сувлари XIV — XVI асрларда нафақат Шарқ, балки бутун оламга илм-фан ва маърифат уруғини ёйиб, мўл-кўл ҳосил берди.

Ҳақиқатан ҳам, иккинчи Уйғониш даврининг юзага келишида буюк бобомиз Амир Темур ва темурий авлодларнинг ҳиссаси беқиёс. Шу боис у “Темурийлар Ренессанси” деб ҳам эътироф этилади. Амир Темур бобомизнинг маънавий-маърифий сиёсати туфайли Соҳибқирон салтанатига қарашли шаҳарларга турли ҳудудлардан истеъдодли олимлар, шоирлар, ҳунармандлар, меъморлар кела бошлайди. Уларга илм-фан тараққиёти учун керакли барча шарт-шароит яратиб берилади. Бундай оқилона сиёсат мамлакатнинг илмий ва маданий қудратини кучайтирди.

“Ислом маданиятининг олтин асри” дея тан олинган иккинчи Ренессанс даврида ўлкамиз дунё мамлакатлари орасида ривожланишнинг энг юқори чўққисига чиқди. Сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, илмий салоҳият бобида ўша йилларда ҳеч бир бошқа мамлакат ўлкамизга тенглаша олмас эди. Бинобарин, иккинчи Шарқ Уйғониши дунё илм-фани, санъати ва адабиётида бурилиш ясай олган кўплаб етук алломаларни туҳфа этди. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи сингари етук олимлар, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Камолиддин Беҳзод сингари мусаввирлар, кўплаб хаттот ва созандалар, мусиқашунос ва меъморларнинг шуҳрати етти иқлимга ёйилди.

Бир мисол. Тарихий манбаларда келтирилишича, Мирзо Улуғбек ташкил этган мадрасаларда дунёнинг турли бурчакларидан келган минглаб илми толиблар таҳсил олишган. Эътиборлиси, улар бепул ётоқхона билан таъминланиб, ойлик харажатлари (стипендия) қоплаб берилган. Илмга ошуфта кишиларнинг юртимиз томон талпинишига яна бир сабаб мадрасаларда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган энг билимдон устозлар сабоқ беришганидир.

### Қайта туғилган илмий даргоҳ

Иккала Уйғониш даври алломалари яратган асарлар асрлар ўтса-да, ўз қийматини йўқотмасдан жамият тараққиётига хизмат қилаётгани боис истиқлолдан сўнг уларнинг илмий мактабини давом эттириш, хусусан, Маъмун академиясини қайта ташкил этиш ғояси пайдо бўлди. Зотан, Хоразм Маъмун академияси олимлари Юнонистон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳиндистон илм-фан ютуқларини ижодий, танқидий ўрганиб, уни янада юксак босқичга кўтарган. Уларнинг илмий фаолияти, асарлари туфайли Қадимги Хоразм бадиий санъати, адабиёти, астрономияси, математикаси, суғориш маданияти ютуқлари жаҳон тамаддуни хазинасига кирган ва бутун инсоният манфаатларига хизмат қилган.

Мана шундай табаррук қадимий илм даргоҳининг қайта туғилиши дунё олимлари, илм-фан жамоатчилиги томонидан олқишланди. ЮНЕСКОнинг 2004 йилда Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори эса Ўзбекистон илм-маърифат ўчоғи, зиё маркази бўлганининг жаҳоний эътирофи бўлди, албатта.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил январь ойида Хоразм вилоятига, хусусан, Хоразм Маъмун академиясига ташрифи давомида берган топшириқ ва кўрсатмалари ушбу академия фаолиятида туб бурилиш ясади. Яъни илм даргоҳи Давлат бюджетидан молиялаштириш тизимига ўтказилиб, моддий-техника базаси мустаҳкамланди, олимлар учун барча шарт-шароит муҳайё қилинди. Масалан, 2018 — 2022 йиллар давомида умумий қиймати 2,2 миллиард сўмлик 20 номдаги асбоб-ускуналар, замонавий компьютерлар, қадимий қўлёзмаларни рақамлаштириш қурилмалари сотиб олинди. Бу эса ота-боболаримиз қолдирган бебаҳо илмий меросни асраб-авайлаш баробарида, илмий янгилик ва кашфиётлар қилиш, инновациялар яратиш, ёшларни илмга жалб этиб, иқтидорли олимлар етиштиришга катта рағбат бўлди.

Бундай дейишимизнинг боиси бор, албатта. Негаки, илгари академияда фақат битта ихтисосликда докторантура мавжуд бўлган бўлса, давлат раҳбари топшириғи асосида 2018 йилда 8 ихтисослик бўйича 12 нафар таянч докторантга квота ажратилди. Бунинг самараси ўлароқ, охирги 5 йилликда 20 нафар илмий ходим фалсафа доктори, 4 нафари фан доктори диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Соҳа мутахассислари таъбири билан айтганда, илмий салоҳият 2016 йилдаги 10 фоизлик кўрсаткичдан бугунги кунда 52 фоизга кўтарилди. Мана, илм-маърифатга эътибор ва рағбатнинг ҳосиласи! Олим ва академикларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг меваси!

Ҳар қандай илмий изланиш пировард натижаси билан баҳоланганидек, Хоразм Маъмун академиясида яратилаётган инновациялар ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришга, аграр соҳадаги муаммолар ечимига хизмат қилаётир. Чунки “Дорул ул ҳикма” алломаларининг “Илм — инсонлар ҳожатини чиқармоқликка хизмат қилсин”, деган шиори бугунги кунда ҳам Хоразм Маъмун академиясида илмий тадқиқотлар олиб бораётган олимлар учун дастуриламалга айланган. Бунинг самараси ўлароқ, Хоразм ва Қорақалпоғистоннинг нисбатан оғир бўлган тупроқ-иқлим шароитига мос ғўзанинг янги “Ният” ва “Хурма” навлари яратилди. Ушбу янги навлар 2020 йилда Тупроққалъа туманида 1047 гектар майдонга экилиб, ўртача 45 центнердан ҳосил олишга эришилди.

Бундай мисолларни ҳар бир йўналиш бўйича кўплаб келтириш мумкин. Айниқса, халқаро алоқаларнинг кенгайтирилаётгани кутилган самараларни бермоқда. Бу ҳақда гап кетганда, Германиянинг Бонн университети қошидаги “ZEF” илмий-тадқиқот маркази билан биргаликда Оролбўйи ҳудуди фаунаси, биохилмахиллигини қайта тиклаш борасида амалий ишларга киришилганини, тарихий меъморий ёдгорликларни термитлар зараридан асраш борасида ЮНЕСКОнинг Германиядаги “Heritage City in Quedlinburg” таъмирлаш маркази билан ҳамкорликда халқаро лойиҳа амалга оширилаётганини алоҳида қайд этиш зарур. Негаки, унинг доирасида Хива шаҳридаги 1000 йиллик тарихга эга “Ёғоч музей”, Жума масжидини сақлаш ва таъмирлашда инновацион усуллар кенг қўлланилмоқда.

Бундан кўриниб турибдики, Қорақалпоғистон ҳудудини обод қилиш, халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш, Оролбўйини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юртимиз олимларининг илмий изланишлари марказидаги масалалар сирасига киради. Буни бағрикенг ўзбек халқи билан бир тану жон бўлиб кетган қардошларимиз жуда яхши билишади ва қадрлашади, десак, хато бўлмайди. Яқинда Нукус шаҳрида рўй берган кўнгилсизликларга эса бир гуруҳ нобакорлар қутқуси сабаб бўлди. Тинчлигимизга рахна солишга уринган қонунбузарлар қонун олдида, албатта, жавоб беради. Улар юзага келтирган воқеалар эса эту тирноқ ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг бирдамлигига заррача ҳам путур етказа олмайди.

Айтиш жоизки, Хоразм Маъмун академиясида ўта муҳим нуфузли тадбир — келгуси йилда Абу Райҳон Берунийнинг 1050 йиллигини муносиб нишонлашга жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Унинг доирасида эса академияда халқаро илмий анжуман ҳам ўтказилиши режалаштирилган. Яратилаётган бундай имкониятлар Хоразм Маъмун академиясида биринчи Ренессанс алломалари издошлари етишиб чиқишига, хорижий олимлар билан тажриба алмашинувнинг кучайишига, бу ерда яратилаётган инновациялар турли муаммоларнинг илмий асосда ечимини топишга замин яратади.

### Эврилишлар тамал тоши

Табиий савол туғилади: халқимиз тарихида рўй берган икки Уйғониш даврининг сири нимада эди? Ўша даврдаги залварли ютуқлар замирида нималар ётибди?

Шубҳасиз, Уйғониш даврларининг барчасига бирдек хос бўлган хусусиятлардан бири антропоцентризмдир. Бошқача қилиб айтганда, Ренессанс инсон эҳтиёжлари, эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлашдан бошланади. Шу маънода, бугун буюк ўзгаришларга гувоҳ бўлган қутлуғ заминимизда навбатдаги эврилишларга тамал тоши қўйиляпти, инсон қадри улуғланяпти, ёшларга кенг имкониятлар эшиги очиб берияпти. Зотан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган шиддатли ислоҳотлар инсон қадрини ошириш, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтиришдек эзгу мақсадга йўғрилган. Айни чоғда давлат раҳбарининг сиёсий иродаси туфайли эркин ва демократик сиёсий муҳит, адолатли жамият, илм-фан ривожи учун қулай шарт-шароит яратилмоқда.

Бу давлатимиз раҳбарининг **“Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак”**, деган даъватига ҳамоҳанг олиб борилаётган тизимли янгиланишларнинг амалдаги инъикосидир.

Ўтмишга боқиб холис таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакат бошқарувида олиб борилган одил сиёсат, давлатнинг илм-маърифатга кучли эътибори, таълим-тарбия устувор этиб қўйилгани ҳар иккала Уйғониш даврида ҳам энг муҳим жиҳат бўлган. Қолаверса, одамларда илм-фанга ташналик билан бирга, борлиқ сирларини очиш ва янги илм яратишга иштиёқ кучли бўлган. Натижада олимларимиз ўзлари сезмаган ҳолда Ренессанс даврининг бунёдкорларига айланган.

Шу маънода, кейинги йилларда янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган тинчлик сиёсатини, барча соҳада бошланган шиддатли, айни пайтда инқилобий ислоҳотларни, халқаро миқёсдаги дўсту биродарлик муносабатларини, айниқса, илм-фан, таълим йўналишидаги мислсиз инновацион янгиланишлар, олим ва зиёлиларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар, ёшлар таълим-тарбияси йўлида бажарилаётган кўламдор ишларни маърифатпарвар Хоразмшоҳ Али ибн Маъмуннинг, адолатпарвар соҳибқирон Амир Темурнинг тутумларига қиёслаш мумкин.

Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатида асосий сиёсий ислоҳотларининг бош мақсади Ўзбекистонни ривожланган, ҳар томонлама илғор мамлакатга айлантириш бўлиб, жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновациялар бунга эришиш йўли сифатида танланган. Жонажон Ўзбекистонимизда ислоҳотлар шиддатли тус олгани, жамиятда кузатилаётган янгиланишлар, илм-фанга чанқоқ ёшларимиз халқаро даражада қўлга киритаётган ютуқлари юртимизда яна бир уйғониш руҳи кеза бошлаганидан дарак бераётир.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **“Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”**.

Биз, олимлар наздида, учинчи Ренессанс узоқ истиқболда эмас, аксинча, бизнинг замонамизда рўй беради. Чунки ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида етилиб келаётган реал воқеликлар янги тамаддундан далолат бераётир.

---

## Даъват

### Юксалиш даври бу…



**Иқбол МИРЗО,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

*Турон кенгликлари — Ҳоқонияда*
*Маънавий тоғлар бор — тошбитик номи.*
*Чиндан Булғор қадар, ердан кўк қадар,*
*Қанот ёйган қадим ўзбек каломи.*

*Ипак йўли шундан ўтган сирғалиб,*
*Қитъалар боғланган шоҳи арқоқда.*
*Самарқанд қоғози тиллоларга тенг,*
*Самарқандий китоб асру ардоқда.*

*Инсон саналарму иймонсиз одам?*
*Мўмин аталурму кўрсавод жоҳил?*
*Бухорий, Термизий рисолатидан*
*Ҳақиқат йўлига халқ бўлди доҳил.*

*Бармоқ қўйиб дунё жон томирига,*
*Ан-нафс дардин топар бобомиз Сино.*
*Маъдан таркибини ўрганар синчков,*
*Ўн аср нарида Беруний даҳо!*

*Қайда илм бўлса, шунда аждодим,*
*Хоразмий, Фарғоний — пири муршиддир.*
*Илм — рўзигорим, фунун — ҳаётим,*
*Дорилфунунларим байти хуршиддир.*

*Мана, Жалолиддин, мана, Темурбек,*
*Озодлик тимсоли, эркин руҳ рамзи.*
*Қанча мазлумларга ато этган эрк,*
*Адолат, ҳақиқат, шон, шукуҳ рамзи.*

*Қай бармоғим тишлай? Оғрийди бари,*
*Тарих зиддияти зеҳнимда қийноқ.*
*Шайбоний ҳам бобом, Бобур ҳам бобом,*
*Ҳайҳот! Бир заминга сиғмас икки шоҳ!*

*Олим бўлсанг, олам сеники, дерлар,*
*Маърифатсиз хонлар золим бўлдилар.*
*Билга ҳоқон бўлди элтузар эрлар,*
*Султон Улуғбеклар олим бўлдилар.*

*Бунёдкор элдир бу қадимдан қадим,*
*Кирпич пиширади қўли қолса бўш.*
*Хорманг, болаларим, чарчаманг, дея,*
*Регистон оралаб келар Ялангтўш.*

*Юртдошим, сайр этма, зиёрат қилгин*
*Муқаддас Адиблар хиёбонини.*
*Фидойи оталар гуллатар, шаксиз,*
*Қовжираган кўнгил биёбонини.*

*Янги мактаб, янги таълим, деб ёнган,*
*Жадид ойдинларнинг руҳини ёд эт.*
*Нажот бирликда деб қатъий инонган,*
*Миллатпарварларнинг руҳини шод эт!*

*Ягона давлатмиз, дахлсиз мутлоқ,*
*Турли миллатлардан тузалган бўстон.*
*Узугимга кўзсан — дур, қорақалпоқ,*
*Сен билан тўкисдир жон Ўзбекистон.*

*Ўқ илдиз биттадир, томир чатишган,*
*Эт ила тирноқмиз, бир вужуд, бир тан.*
*Юракда ягона юрт ишқи жўшган.*
*Бизники шу кўҳна, навқирон Ватан!*

*Юртдошим, енг шимар, белни боғлагин,*
*Юксалиш даври бу,*
*берма имконни.*
*Муносиб бўл! Кураш! Ўзни чоғлагин!*
*Қуражакмиз янги Ўзбекистонни!.*

---

## Сенатор ва ҳаёт

# 60 НАФАР ФУҚАРОНИНГ МУРОЖААТЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Кеча Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ. Бурҳонов ва унинг ўринбосари Т. Мадумаров фуқаролар қабулини ўтказди.*

Сенатнинг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими томонидан ташкил этилган мазкур қабул жараёнида Қорақалпоғистон Республикасидан, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган, Сирдарё, Навоий, Хоразм ҳамда Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридан келган 60 нафар фуқаронинг мурожаатлари кўриб чиқилди.

Мурожаатлар соғлиқни сақлаш, моддий ёрдам олиш, мулк ҳуқуқи бузилиши, ер, уй-жойга мулк ҳуқуқини расмийлаштириш, суд-ҳуқуқ, ишсизлик ва иш ҳақини ундириб бериш, алимент тўловлари каби масалалар билан боғлиқлиги инобатга олиниб, Соғлиқни сақлаш, Адлия, Ички ишлар, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирликлари, Оила ва хотин қизлар давлат қўмитаси, Олий суд, МИБ ва яна бир қатор ташкилотлардан вакиллар таклиф этилди.

Ҳар бир масала синчковлик билан кўриб чиқилди. Қабул давомида фуқароларга тегишли давлат органлари ходимлари томонидан тушунтириш берилди. Бир қанча мурожаатлар сенаторлар саъй-ҳаракати билан жойида ижобий ҳал этилди.

**«Халқ сўзи».**

---

# ЭНДОКРИН КАСАЛЛИКЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ СТАНДАРТЛАРИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан “Тиббиётдаги ислоҳотлар — инсон қадри учун” шиори остида 2022 — 2024 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни ривожлантириш дастурининг ижросига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.*

## Давра суҳбати

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида юқори технологияларга асосланган ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг принципиал жиҳатдан янги тизими ташкил этилди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, жумладан, хирургия, кардиология, кўз микрохирургияси, урология, акушерлик ва гинекология, педиатрия, эндокринология, терапия ҳамда тиббий реабилитация, дерматология ва венерология, фтизиатрия ҳамда пульмонология соҳасида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва малакали мутахассислар билан таъминланган ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Сўнгги беш йилда республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида 300 мингдан ортиқ операциялар, шу жумладан, 100 мингдан зиёд юқори технологик оператив муолажалар қилиниб, даволашнинг мураккаб ва ноёб усуллари амалиётга жорий этилди.

Шунингдек, 2019 — 2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастур доирасида диагностика ва даволашнинг янги стандартлари тасдиқланди. 75 минг нафарга яқин беморлар 40 миллиард сўмдан зиёд Давлат бюджети маблағлари ҳисобига 100 фоиз инсулин билан бепул таъминланди, 200 миллиард сўмга яқин маблағ эвазига 14 та ҳудудий эндокринология муассасасининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди.

Давра суҳбатида қайд этилганидек, аҳолига кўрсатилаётган эндокринологик ёрдамнинг самарали ҳамда замонавий тизимини шакллантириш, касалликлар ва уларнинг асоратлари профилактикасини такомиллаштириш, аҳолига юқори малакали эндокринология ёрдамини кўрсатиш мақсадида Президентимизнинг “Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат билан 2022 — 2024 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни ривожлантириш дастури тасдиқланди.

**Тадбирда Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази раҳбарининг ушбу дастур ижроси юзасидан ахбороти ҳам эшитилди.**

Ахборотда келтирилганидек, соғлиқни сақлашнинг барча босқичида эндокрин касалликларини ташхислаш ва даволаш стандартлари янгидан қабул қилинди. Ҳудудларда эндокринология бўйича ихтисослаштирилган хирургия бўлимлари, реанимация, диабетик тўпиқ, нефропатия, лаборатория бўлимлари ташкил этилди.

Шу билан бирга, соҳани ислоҳ қилиш бўйича давлат дастурлари доирасида аҳолига эндокринология ёрдамини кўрсатишнинг яхлит, вертикаль интеграциялашган тизими яратилди.

Тадбирда депутатлар эндокрин касалликларни барвақт аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва даволаш бўйича бир қатор таклиф ҳамда тавсиялар беришди.

Давра суҳбатининг иккинчи қисмида малакали мутахассислар томонидан тиббий кўрик ва кўргазмали семинар ташкил этилди.

**«Халқ сўзи».**

# ХАЛҚОНА ТАШАББУСЛАРНИНГ ГЛОБАЛ МАКОНИ

1

## «Дўстлик боғи» учун ниҳоллар

Кўпгина экспертлар фикрича, кейинги вақтда турли блокларга бирлашиш ўз долзарблигини йўқотиб боряпти. Лекин шу билан бир пайтда улар тенглик, ўзаро фойдалилик ва миллий манфаатларни ҳисобга олиш каби тамойиллар асосида фаолият юритувчи интеграциявий тузилмаларга катта умид боғлашмоқда. Бунда кузатувчиларнинг диққатини, айниқса, кўпроқ ўзига тортган ҳодиса — ҳаётимизга ноёб феномен сингари кириб келган “Марказий Осиё формати”дир.

Хўш, унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Ана шу тобора мустаҳкамланиб бораётган “майдон” қандай қилиб жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини ўзига тортмоқда?

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ҳар бир минтақа худди Марказий Осиё сингари ўз саъй-ҳаракатларини, айниқса, умумий мақсадларга боғлиқ масалалар бўйича, қўшни мамлакатлар билан мувофиқлаштирган ҳолда олиб борса, албатта, барқарор ривожлана олади. Муҳими, бунда ҳар бир республика ўзининг миллий тараққиёт стратегиясини қандайдир ташқи таъсирларсиз амалга ошираверади.

Ҳар қандай хайрли иш ниятдан бошланади. Тўғри, Марказий Осиё давлатлари “бешлиги” бир-бирига яқинлашса яхши бўларди, деган гапни илгари ҳеч ким айтмаган, дея олмаймиз. Фақат муҳокамадан амалий қадамларга ўтиш қийин бўлган, холос.

Вазият 2016 йилда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратишини эълон қилганидан кейин ўзгара бошлади.

2017 йили БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида давлатимиз раҳбари умумий масалаларни ҳал этиш мақсадида кўп томонлама мулоқотни йўлга қўйиш ва умумий тараққиёт учун шароит яратиш бўйича амалий ечимларни таклиф этди. Ўтган қисқа вақт мобайнида минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит яратишга эришилгани ҳамда бу тенденциянинг мустаҳкамланиши Марказий Осиё давлатлари Президентлари мунтазам учрашувлар ўтказиши учун имконият яратишини таъкидлади. Бу ташаббус қўшни давлатлар интеграциясини кучайтиришга тамал тошини қўйди. Демак, ғоя сайёрамизнинг энг нуфузли минбаридан туриб янгради ва унинг қўллаб-қувватлашига таянилди.




Шундан сўнг ўтган давр мобайнида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари уч марта, яъни 2018, 2019 ва 2021 йилларда учрашишди. Учрашувлар кун тартиби савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва транспорт масалаларидан тортиб, то “парламент дипломатияси” ва “халқ дипломатияси”гача бўлган долзарб масалаларни ўз ичига олди. Бунда энг асосий мезон — Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган, хавфсиз ва тараққий этувчи минтақага айлантириш учун хизмат қилишдир.

Ушбу ташаббуслар моҳиятига кўра халқчиллигини вақт исботлаб берди. Минтақадаги беш давлатдан ҳар бирининг аҳолиси ўзи ва қўшнилари учун фақат тинчлик, фаровонлик тилайди. Улар ҳеч қандай тўсиқларсиз бир-бирлариникига меҳмонга боришни, доимий мулоқотда бўлишни истайди. Тарихий хотира, ўзаро қариндош-уруғчилик сунъий тўсиқларни тан олмаслиги аниқ. Лекин, афсуски, илгари сиёсий мақсадлар сабаб шундай келишмовчиликлар бўлиб турган. Энди минтақадаги республикаларнинг раҳбарлари халқнинг хоҳиш-иродасини акс эттирган ҳолда ўшандай тўсиқлардан халос бўлишмоқда.

Яқинда тожик шоири, Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Акбар Абдулло қайд этганидек, Тожикистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон Президентлари бир-бирлари билан мунтазам учрашиб турган ҳолда, ҳамкорлик бўйича фикр алмашиб, замонавий дунёдаги долзарб масалалар юзасидан ўз қарашларини билдириб, худди Марказий Осиё халқларининг донишманд ота-боболари сингари ўзига хос “Дўстлик боғи”ни яратиш учун ҳаракат қилишмоқда.

— Келинглар, ўз ниятларимиз ва саъй-ҳаракатларимиз ила ҳар куни шу боққа ниҳол қадайлик, — дея мурожаат қилади у Марказий Осиёдаги сиёсий арбоблар, ёзувчи ва шоирлар, олимлар ва барча фуқароларга. — Ҳаммамиз биргаликда ва ҳар биримиз алоҳида. Токи ўлкамиз ҳақиқий гулзорга, чинакам жаннатга айлансин.

Қирғизистон Президенти Садир Жапаров минтақа етакчиларининг бўлиб ўтган тўртинчи саммити ҳақида фикр билдирар экан, уни бирдамлик ва ўзаро бир-бирини тушуниш, очиқ ва манфаатли мулоқотга тайёрликнинг исботидир, деб айтди. Унинг сўзларига кўра, мамлакатларимиз ўртасида мавжуд бўлган савдо-иқтисодий, энергетик, транспорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик уларнинг иқтисодиёти ривожига қаратилган, у бутун Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизлик, барқарорлик, фаровонликни таъминлаш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

“Бешлик” мамлакатларининг аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланадиган бундай юқори даражадаги ҳамкорлик Марказий Осиёни гуллаб-яшнаган минтақага айлантириши аниқ. Бу жараённинг дунёдаги бошқа интеграция моделларидан фарқи — унинг қатнашчилари тенг ҳуқуқлилиги, эркинлиги ва хоҳиш-иродаси, унда ҳарбий-сиёсий мотивлар мавжуд эмаслиги, шунингдек, мамлакатлараро мулоқотдан ҳамма ва ҳар бир томон манфаатдорлигида.

## Ўзаро боғлиқликни илгари суриш маркази

Янги Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг фаол субъекти сифатида шаклланди, бугун у барқарор ривожланиш масалаларини ҳал этиш бўйича мақсадларга эришишга қаратилган ташаббусларни илгари сурмоқда. Бу билан мамлакатимиз мазкур жараёнларни тезлаштириш марказига айланмоқда.

Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик институти директори Сайёд Шакил Шах айтганидек, кейинги йилларда Тошкент илгари сураётган барча халқаро ташаббуслар жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланяпти ва Ўзбекистонни минтақавий ҳамда глобал кун тартибида жиддий, масъулиятли иштирокчи сифатида намоён қилмоқда.

Ушбу сўзларни кейинги бир неча ҳафтада юз берган воқеалар билан изоҳлаш, тўлдириш мумкин. Аввалроқ БМТ Бош Ассамблеяси бизнинг мамлакатимизда май ойида ўтказилган “Декларациялар мулоқоти” анжуманида қабул қилинган Бухоро декларациясини сессиянинг расмий ҳужжати сифатида тан олди. Ушбу ҳужжат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча расмий тилларига таржима қилинди ва аъзо давлатлар орасида тарқатилди. Айрим минтақаларда одамлар ўртасидаги бир-бирини тушунмаслик ва қарама-қаршилик кўпинча тўқнашувлар, қон тўкилишига олиб келаётган бугунги кунда бунинг аҳамияти ниҳоятда долзарб.

Ана шундай шароитда Ўзбекистон глобал ҳамжамиятга ўзининг яхши қўшничилик, барча миллат ва дин вакилларига нисбатан ҳурмат анъаналарига асосланган тинчликсевар ва инсонпарвар сиёсатини олиб боряпти. Бухоро декларациясида ҳам эътиқод эркинлигига ҳар бир шахснинг ажралмас ҳуқуқи сифатида қараш, диний асосда зўравонлик қилиш ҳаракатларига нисбатан муросасиз бўлишга даъват этилади. Диний асосда келишмовчилик ёки камситишга йўл қўймаслик, буни тарғиб қилиш нақадар муҳим эканлигига ва ахборот соҳасида камситишлар бўлмаслигига аҳамият берилган.

Айтиш мумкинки, ҳамкорлик ва тинчликсеварликка асосланган ўзбек дипломатиясининг навбатдаги ютуғи — бу БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги махсус резолюциянинг қабул қилиниши бўлиб, мазкур ҳужжат ҳам Ўзбекистон томонидан илгари сурилган. Воқеанинг аҳамияти шундаки, ушбу ҳужжатни БМТга аъзо давлатларнинг барчаси бир овоздан қабул қилишди. Унинг исбот талаб қилмайдиган долзарблиги тан олинди ва Ўзбекистон раҳбари кўтариб чиққан масала дунёнинг турли қитъалари вакиллари томонидан маъқулланди.

Резолюция бултур Тошкентда бўлиб ўтган, иккита катта минтақанинг узвий боғлиқлиги, улар ўртасидаги ҳамкорлик йўлида мавжуд чақириқ ва имкониятлар мавзуига бағишланган халқаро анжуман қатнашчиларининг таклифларини ўз ичига олган. Ўшанда, БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг анжуман қатнашчиларига мурожаатида таъкидланганидек, айнан ўзаро боғлиқлик савдо, иқтисодий ўсиш ва барқарор тараққиётда муҳим роль ўйнайди, айнан у Марказий ва Жанубий Осиёда узоқ муддатли тинчликни ўрнатишга, барқарорлик ва тараққиётга хизмат қилади.

Экспертлар фикрича, Ўзбекистон ташаббус киритган ва БМТ қабул қилган ушбу ҳужжат шундай яна бир жиҳатни аниқ тушунтиради: ўзаро боғлиқлик БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг ягона йўли ҳамдир.

— Резолюция минтақа хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш, барқарор ривожланиш йўлида мавжуд хавфларни бартараф этишда яна бир катта қадам бўлди, — дейди Халқаро солиқлар ва инвестициялар маркази (ITIC) президенти Даниэль Витт. — Ўзбекистон шу жараёнларнинг маркази ва ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб майдонга чиқяпти, бунда муаммолардан қочмай, уларни ҳал этишга интилмоқда.

Унинг фикрича, хавфсизлик ва ўзаро боғлиқлик инвестицияларни рағбатлантиради. Сўнгги йилларда биз кузатаётган Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистоннинг иқтисодий трансформацияси минтақа хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлашнинг энг яхши намунаси ва моделларидан биридир.

— Сўнгги 25 йил ичида Ғарбий Африка ва Жануби-Шарқий Осиёда минтақавий иқтисодий институтларни шакллантириш учун мамлакатлар қандай бирлашиши мумкинлигига гувоҳ бўлдик, — деб эътироф этади Д. Витт. — Савдо ва инвестицияларнинг ушбу модели Марказий ва Жанубий Осиёда такрорланиши мумкин. АҚШ, Европа Иттифоқи, Ҳиндистон, Хитой ва Россия барқарорлик ва инвестициялар оқимини таъминлаш йўлида кучларни бирлаштирганини кўришимизга умид қиламан.

## «Time» журнали тавсия қилади

Мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар минтақа доирасига сиғмай, ундан ҳам ташқарига, глобал маконга чиқмоқда.

“Time” журнали энг яхши ва энг машҳурлар рейтинги ҳамда рўйхатини эълон қилиши билан шуҳрат қозонган. Унда бирор нарса чоп этилгач, одатда жуда кўп фикрлар, шарҳлар пайдо бўлади. Баъзан нашрнинг эксперт гуруҳлари берган хулосалар кимгадир маъқул келмайди. Лекин бир далил ўзгаришсиз қолади: журналнинг позицияси ҳамиша ўткир акс садо келтириб чиқаради.

Анъанага кўра, июль ойида чоп этилган бир рейтинг кенг аудитория эътиборини ўзига жалб қилди. Ўша рўйхат 2022 йилда бориб кўриш ва ўрганиш учун 50 та энг яхши маконни бирлаштирди. Тавсия этилган манзиллар орасида Ўзбекистон ҳам муносиб ўрин эгаллади.

Тарихдан биламизки, Буюк Ипак йўлининг узунлиги 12 минг километр бўлиб, у ўнлаб давлатлар ҳудудидан ўтган. Бироқ рейтингда ана шу қадимий йўналишда кўпдан-кўп нуқталар орасида Ипак йўлининг тарихий жойлари сифатида фақат бизнинг мамлакатимиз кўрсатилган.

Нашрда таъкидланишича, Ўзбекистон мана 30 йилдан буён мустақил давлат сифатида хорижий сайёҳлар учун очиқ. Республикамизда тезюрар поездлар тармоғи мавжуд, бу эса ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатидан ўрин олган объектларга ташриф буюришни осонлаштиради. Жорий йилдан бошлаб Самарқанд шаҳрида қурилган янги аэропорт самолётларни қабул қила бошлади, тепадан қараганда унинг кўриниши очиқ китоб шаклини эслатади.

“Time” журналининг муаллифлари ёзганидек, меҳмонлар ташрифини нафақат қадимий осориатиқалар ва тарихий шаҳардаги замонавий мажмуалар, балки ўтказилиши мўлжалланаётган халқаро анжуманлар, реконструкция қилинаётган музейлар ҳам кутмоқда.



Суратлар «Халқ сўзи» фотожамланмасидан олинди.

Хўш, нуфузли журналдаги рейтинг билан танишгач, қандай хулосалар чиқариш мумкин?

Кичик ва катта, машҳур ва бир оз назардан четда қолгандек бўлган — хуллас, барча ютуқлар ва лойиҳалар турли давлатлардаги тадқиқотчи, эксперт ва журналистлар томонидан ўрганила бошлайди. Глобаллашув жараёни давлатлар ўртасидаги чегараларни “йўқотгандай” бўлди. Интернет, спутникли харита ва бутунжаҳон маълумотлар базаси эса уларни “шартли” қилиб қўйди. Айни пайтда улкан ютуқлар, кетма-кет амалга оширилаётган ислоҳотлар кўз ўнгимизда “қаторлашди”. Шунга яраша, камчиликлар ҳам, уларни қанча яширмайлик, ошкор бўлиб бормоқда.

Қанчалик парадокс бўлмасин, кундалик ҳаётимиз янги технологиялар билан тўлиб боргани сайин, тинчгина табиат қўйнига шўнғиш, тарихий илдизларга мурожаат қилиш эҳтиёжи ҳам туғилиб, инсон ўзининг асл моҳиятини билишга бўлган қизиқиши ҳам ортмоқда. Демак, ҳеч шубҳасиз, ана шундай ҳис-туйғуларни ҳадя эта оладиган мамлакатларга қизиқиш ҳам ортиб бормоқда.

> **... кейинги йилларда Тошкент илгари сураётган барча халқаро ташаббуслар жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланяпти ва Ўзбекистонни минтақавий ҳамда глобал кун тартибида жиддий, масъулиятли иштирокчи сифатида намоён қилмоқда.**

“Time” журналига ўхшаган нашрлар ана шунақа эҳтиёж мавжудлигини ҳисобга олиб, ўз ўқувчиларига Ўзбекистонга ташриф буюришни маслаҳат беряпти. Шу билан бирга, қулайликларга бўлган эҳтиёжни ҳам ҳисобга оляпти, яъни замонавий темир йўллардаги тезюрар поездлар ва янги аэропорт, томоша ва маданий-кўнгилочар тадбирларни ҳам тавсия қиляпти.

Лекин яна бир муҳим жиҳат бор. Сўз шахсий хавфсизлик ҳақида кетяпти. Агар кўчада юриш бемалол ва бехавотир бўлмаса, ўша мамлакат ҳар қанча гўзал бўлсада, сайёҳларни жалб қилиш қийин. Ўзбекистонда эса бу жиҳатдан ҳам ҳамма нарса жойида. Яқинда “Numbeo” портали жиноятчилик индексини ҳисоблаб чиқиб, уни чоп этди. Ўша индексга кўра, мамлакатимиз жиноятчилик даражаси паст бўлган давлатлар қаторига киритилган!

Шу сингари тадқиқотлар ва берилган баҳолар ўз юртингга четдан, бошқа кўз билан қарашга имкон туғдиради. Образли қилиб айтганда, қаршингда ўшандай кўзгуни ушлаб турсанг, холис баҳо ва фикрларга таянган ҳолда келажак учун мўлжал олиш ҳам осон бўлади.

— Кейинги бир неча йилда Ўзбекистон ўзининг жаҳон саҳнасидаги ўрнини фаол мустаҳкамлаяпти, — деди Туркиянинг мамлакатимиздаги элчиси Олган Бекар яқинда берган интервьюсида. — Мамлакат дунёга янада очиқроқ бўлди ва барча соҳада ижобий ўсиш тенденцияларини намойиш қилмоқда. Бунга эса Президент Шавкат Мирзиёев сиёсати, учинчи Ренессанс, деб ном олган ислоҳотлар босқичи туфайли имкон туғилди.

## Инсон ҳуқуқлари соҳасида намуна

Шубҳасиз, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти кўз ўнгидаги мақоми ва аҳамияти ўзимиздаги кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақияти туфайли ҳам янада ортиб боради. Негаки, булар ўзаро боғлиқ жараёнлардир.

Амалдаги Асосий Қонунимизни янгилашга қаратилган, бугунги кунда фаол муҳокама қилинаётган Конституциявий қонун лойиҳасида Ўзбекистон барча давлатлар, аввало, яқин қўшнилар билан тинчликпарвар ва дўстона муносабатларни олиб боради, деб кўрсатилган. Шунингдек, ташқи сиёсат давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши тамойиллари ва меъёрларига асосланган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ислоҳотлар ҳуқуқий базаси — Конституцияни янгилашга қаратилган умумхалқ кампанияси жуда муҳим жараён бўлиб, 35 миллионлик аҳолининг келажаги шу билан боғлиқ. Буни англаган ҳолда, фуқаролар Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасида катта қизиқиш билан фаол иштирок этмоқда. Негаки, ўзгартишларнинг моҳияти ҳам инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита ҳимоя қилишга қаратилган.

Инсон манфаатларини таъминлаш иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мезони сифатида илгари сурилади ва “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган тамойил конституциявий меъёрга айланади. Фуқаролар айнан шу меъёрларни, айниқса, қўллаб-қувватлашмоқда. Асосий Қонунда фуқаролик жамияти институтлари ҳақидаги қоидаларни белгилаб қўйиш таклиф этилган. Бунда оила институтининг ривожланиш йўллари, анъанавий инсоний қадриятлар ҳақида тушунчалар, миллатлараро тотувлик, ёшлар сиёсати асослари, болалар боғчасидан бошлаб то олий таълим муассасасигача бўлган таълим занжири каби меъёрлар белгилаб қўйилмоқда. Болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ногиронлиги бор шахслар ва катта авлод вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида меъёрлар киритилади. Долзарблиги ҳисобга олинган ҳолда экология масалалари ҳам кенгайтирилади.

Конституциявий ислоҳот, умуман олганда, аҳоли фаровонлигини ошириш, давлат ва жамият ривожига тегишли масалаларни қамраб олади. Бу эса фуқаролар билан келишилган ҳуқуқий меъёрларда акс этиб, бугунги кун талабларига жавоб беради.

“Российская газета” саҳифаларида босилиб чиққан мақолада РФ Давлат Думасининг Фуқаролик жамиятини ривожлантириш, жамоат ва диний бирлашмалар масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Владимир Шаманов шуни таъкидлайдики, Ўзбекистон конституциявий ислоҳот туфайли фундаментал ўзгаришлар остонасида турибди. Ушбу ислоҳот жамиятнинг ҳамма қатлами вакиллари ва барча касб эгалари, яъни ўқитувчи ва тадбиркорлар, фермер ва ишчилар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, миллий маданий марказлар ходимларининг фикрига таянади. Одамлар, ҳақиқатан ҳам, ўз турмуши ва мамлакати ҳаётини ўзгартиришни хоҳлаяпти, демократик янгиланишга янги нафас бағишламоқчи.

Таҳлилчиларга шу нарса ҳам маъқулки, Ўзбекистон ўз Конституциясига ўзгартишлар киритиш орқали демократлашув сари интилишини намоён этмоқда. Аҳоли эҳтиёжига кўра ўтказилаётган ислоҳот давлатнинг фуқаролар олдида очиқлиги жараёнини тезлаштиради.

“Бонн — Бухоро” немис-ўзбек дўстлик жамияти президенти Колин Дюркоп айтганидек, Ўзбекистон мавжуд сиёсий тизим парадигмасини кўпроқ ҳозиржавоблик томонга оғдирмоқчи. Шу боис инсон шахсини биринчи ўринга кўтарувчи ўзгариш юз беради, бунда “Давлат — жамият — шахс” тамойили янгича “Инсон — жамият — давлат” тамойилига ўзгартирилади. Шундай қилиб, янги ўзгаришларда халқ асосий марказда бўлади.

— Оилага, анъанавий инсоний қадриятлар ва миллатлараро мультикультурализмга тегишли конституциявий меъёрларни ўзгартириш билан Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари учун идеал мамлакатга, барқарор ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёт учун ҳаракатлантирувчи кучга айланади, — дейди К. Дюркоп.

Дарҳақиқат, маҳаллий ва хорижий экспертларнинг фикрлари бугунги фаол ислоҳотлар, уларга халқимизнинг бефарқ эмаслиги янги Ўзбекистонни бунёд қилиш ва мамлакатда учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда ҳал қилувчи аҳамият касб этишини кўрсатади.

Ўз келажагига бефарқ бўлмаган, тақдирини мамлакат истиқболи билан боғлаган, эзгу орзу-умидлари рўёби учун интилиб яшаётган фуқаролар Асосий Қонунни ўзгартириш бўйича асосли таклифлар билан мурожаат қилаётгани эса фаол ислоҳотларга талаб етилганлигини тасдиқлайди.

Шубҳасиз, Ўзбекистоннинг янгиланган Конституцияси мамлакат тараққиётини янги поғонага кўтариш, халқ фаровонлигини ошириш, одамларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш имконини беради.

**Ўткир РАҲМАТ.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 24 563 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5 6